

Хабар

13
(1019)-son

30-mart

www.xabar.uz
info@xabar.uz

2012

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

Оила тинч — Ватан тинч

Ёшларни оила қуришга тайёрлашда ўқитувчиларнинг ўрни



Дарҳақиқат, оила мукаддас даргоҳ. У жамиятнинг кичик бир бўлаги, негизи. Оила тинч бўлса, Ватан тинч. Тинчлик барқарор жойда эса иқтисодиёт ривож топади, фаровонликка йўл очилади. Жорий йилнинг Мустаҳкам оила йили деб аталиши замирида ҳам ана шу мақсад ётганлиги ҳаммага аён.

"Мустаҳкам оила йили Давлат дастури" да, шунингдек, ушбу дастур асосида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан қабул қилинган дастурда ҳам ёшларни оила қуришга тайёрлашга алоҳида аҳамият берилган. Негаки, бугун мактаб, коллеж ва олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшлар ташкил этилажак оилаларнинг соҳиб ва соҳибаларидир. Шундай экан, уларни соғлом, мустаҳкам оила яратишга олдиндан тайёрлаб бормоқ биринчи галдаги вазифалардан бири бўлиб, бу борада мактаб, коллеж ва олий ўқув юртлари педагоглари зиммасига ҳам катта вазифалар юклатилган. Бу вазифалар нималардан иборат? Йигитларимизни орли-ғурурли, кизларимизни ибодатчи қилиб тарбиялашда қандай йўл тутмоқ лозим?

5-бет

Сўнги янгилик!

Наврўз байрами арафасида миллий UZ домени ҳудудида рўйхатга олинган фаол доменлар сони 14 000дан ошди. Эслатиб ўтамиз, 10 000 домен рўйхатга олинishi 2010 йилнинг 25 февралда, 11 000 домен 2010 йилнинг 14 декабрида, 13 000 — 2011 йилнинг 2 ноябрида қайд этилганди. 4000 доменнинг рўйхатга олинishiга 2 йил кетган бўлса, охириги мингта домен уч ярим ой ичида рўйхатга олинди.



Алоқа оламида

Ушбу сонда:

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши	2
Почта хизмати: янгича ёндашув	3
Определены задачи по дальнейшему внедрению и развитию ИКТ на 2012-2014 годы	6
Алломаalar асари ахборот асрида	12
Қадриятларимизга сайқал беради	14
"Ўзбектелеком" чемпионликини кўзламоқда	15

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Umadan umagacha

Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий бонида 22 март куни Наврўзга бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди. Тантананада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов юртдошларимизни қутлуг айём — Наврўзи олам билан табриклар, нутқ сўзлади. Саъбат усталари ва ёш ижроачилар ўзларининг гўзал кўшик ва рақслари билан байрамга шукуҳ, қалбларга завқ улашдилар.

Тошкент шаҳрида 23-24 март кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисида сиёсий ва иجتимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислох қилиш ва либераллаштиришга қаратилган 21та масала, шу жумладан, 10та қонун кўриб чиқилди.

Жорий йилнинг март ва сентябр ойларида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси, "Меҳр нури" жамоат жамғармаси ҳамда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди ҳамкорлигида кенг қамровли хайрия акцияси ўтказиш режалаштирилган. Лойиҳага мувофиқ, белгиланган муддатда ижтимоий кўмакка эҳтиёжман оилалар фарзандларининг 1000та никоҳ ва яна шунча суннат тўйлари бўлиб ўтади. Ушбу хайрли тадбирларнинг дастлабкиси 25-26 март кунлари Навоий вилоятида ўтказилди. Шу кунлари вилоятдаги кам таъминланган оилалар фарзандларининг 73та никоҳ ва 88та суннат тўйлари тантана қилинди.

Пойтахтимизда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан навбатдаги "онлайн" мулоқот ўтказилди. Мустаҳкам оила йили мавзунга бағишланган мазкур тадбир "Оила маънавиятини шакллантиришда миллий кадрларнинг ўрни" деб номланди. Унда Ҳаракат фаоллари, талаба ва ўқувчи-ёшлар, экспертлар ҳамда элга таниқли санъаткорлар иштирок этди.

Жойларда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун тадбиркор, хунарманд ва фермерлар ўртасида анъанавий "Ташаббус-2012" кўрик-танловининг вилоят босқичлари ўтказилмоқда. Ана шу танловнинг вилоят босқичлари Сирдарё, Самарқанд, Сурхондарё, Жиззах, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Бадий академияси марказий кўرғазмалар залида Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамкорлигида 27 март — Халқаро театр кунига бағишланган "Театр ва рассом" деб номланган бадий кўрғазма ташкил этилди. Кўрғазмада пойтахтимиздаги театр жамоаларида фаолият кўрсатган рассомларнинг ижод намуналари, театр декорациялари, безаклар, либослар томошабинлар эътиборига ҳавола қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенгроқ жорий қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирларига оид қарорининг бажарилишини таъминлашга бағишланган навбатдан ташқари йиғилиши бўлиб ўтди.



Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши

Мажлисида ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти, асосий вазифалари ва мақсадлари давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимлик органлари раҳбарлари, мажлис катнашчиларига кенг ва атрофлича тушунтириб берилди.

Ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг учинчи босқичи ҳисобланаётган ахборот тизимларини жорий этиш билан биргаликда, улардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга оид вазифаларнинг ижроси бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Ушбу вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш бўйича аниқ топшириқлар ва муддатлар белгиланди, Ўзбекистон Республикасида 2012-2014 йилларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш ва ривожлантириш бўйича дастурнинг ижросини таъминлаш юзасидан режа-жадвали тасдиқланди.

Шунингдек, давлат органларида ахборот тизимларини жорий қилиш

ва интернет тармоқидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш механизми ва мезонларини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланиб, унинг асосий вазифалари белгиланди.

Қарорда жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган топшириқлардан келиб чиққан ҳолда Компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2012 йил иш режасига тегишли кўшимча ва

ўзгартиришлар киритилди.

Мажлисида айрим вазирлик ва идораларнинг ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишни янада ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси кўриб чиқилди.

Шунингдек, дастурий махсулотларнинг миллий ишлаб чиқарувчиларини ҳамда давлат органларининг АКТ соҳасидаги юксак малакали мутахассисларини қўллаб-қувватлаш ва рабатлантиришни янада ривожлантириш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди ҳамда мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарларига тегишли кўрсатмалар берилди.

Кўрилган масалалар бўйича мутасадди вазирлик ва идораларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди ҳамда қўйилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳамда соҳа мутахассислари томонидан таклифлар берилди. Йиғилиш натижалари юзасидан Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасида 2012-2014 йилларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш ва ривожлантириш бўйича дастурнинг ижросини таъминлаш юзасидан режа-жадвали тасдиқланди.

Шу йил 22 март куни Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)да ўзгача бир манзара намоен бўлди. Баҳор, янгилик ва ёшариш тимсоли бўлмиш Наврўз байрами тантанали ва эсда қоларли тарзда ташкиллаштирилди. Байрамга кўтаринки кайфият бағишлашда Тошкент вилояти академик ва халқ бадий жамоалари дирекцияси яккагон хонандаси Моҳирахон Камолова жамоаси ўз хиссасини қўшди.

25 март куни эса муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ёш аскарларнинг ҳарбий қасамёд қилиш маросими тантанали равишда ўтказилди.

Махсус авария-тиклаш бошқармаси бошлиғи полковник Ю.Сабиров бўлинмалардан аскарларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилишга тайёрлиги тўғрисида баёнот олганидан сўнг, муддатли хизматдаги ҳарбий хизматчиларни ҳарбий қасамёд қабул қилишга буйруқ берди, шундан сўнг ҳарбий хизматчилар она Ватанимиз



химоysi йўлида, аждодларимиз хоки ётган муқаддас заминнинг хар бир қарич тупроғини асраш учун, Президентимиз ва халқимизнинг ишончини оқлаш учун тайёрман, дея қасамёд қилишди.

Бу йилги қасамёдга бағишланган тантананада аввалгилардан фарқли ҳолда 21-Меҳрибонлик уйи ҳарбий спорт гуруҳининг болалар ҳарбий оркестри жамоаси дастурлари йиғил-

ганларда катта таассурот қолдирди.

Ҳарбий қисмга ташриф буюрган ота-оналар фарзандлари учун яратилган шарт-шароитлар, ўқув хоналари, аскарлар ётоқхоналарини кўздан кечириб, бошқарма ва юқори раҳбарият номига ташаккур айтишди.

Ш.ҚУРАЙШЕВ,
тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи, капитан

Танлов ғолибига мукофот топширилди



Совғани ТАТУ проректори А.ХОЛЖИГИТОВ қабул қилиб олди.

Газетамизнинг аввалги сонидида ҳар йили ўтказилиб келинаётган "Xabar" га энг кўп обуна уюштириш бўйича танлов ғолиби ва совриндорлари номи эълон қилинган эди. Кунини кеча танлов ғолиби — Тошкент ахборот технологиялари университети тахририят совғаси — ноутбук ва Фахрий ёрлик топширилди. Тадбирда ўз мақолалари, илмий изланишлари билан газета саҳифаларида мунтазам катнашиб келаётган университет ўқитувчи-мураббийлари, ёш олимлар ва талабаларга миннатдорлик билдирилди. Шунингдек, "Матбуот даврий нашрлари" МЧЖ ҳам обуна уюштиришда фаол иштироки учун университетга махсус совғаларини тақдим қилди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали жамоаси бугунги кунда аҳоли учун янги-янги замонавий хизмат турларини ташкил этиш, меҳнат самарадорлигини ошириш борасида кўзга кўринарли ишларни олиб бормоқда. Вилоятда почта хизматини янада яхшилаш ва иш сифатини ошириш учун кўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, телеграммалар ва пул жўнатмалари, бандероллар каби почта хизматларини янада юксалтиришга эришилмоқда. Почта алоқаси корхоналари компютерлаштирилиб, интернетга уланмоқда. Олиб борилаётган ишлар ҳақида мутахассислар ҳикоя қилади:



Почта хизмати: Янгича ёндашув

Ўрол ЖўРАЕВ,
филиалнинг почта хавфсизлик хизмати бўлими бошлиғи:

— Вилоят бўйича 225000 нафардан ортиқ пенсионерга нафақа пуллари тарқатилади. Бу пулларни ўз вақтида етказилишини таъминлаш, ўзлаштирилишининг олдини олиш мақсадида ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Туман почта алоқаси тармоқлари бошлиқлари иштирокида ташкил этиладиган йиғилишларда ҳуқуқ-тартибот органлари вакилларининг ҳам иштироки таъминланиб, фаолиятда янгича иш услуби йўлга қўйилди. Ҳар ойда почта алоқаси тармоқлари ҳудудида яшовчи пенсионерлар билан иш-режага асосан сўровнома-мониторинг ўтказилиб борилади. Маҳалла ҳамда кишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари номига сўровномалар ўтказиш йўлга қўйилиб, худудлардаги почта алоқаси бўлимларидан аҳолига пенсия, компенсация, бир йўла тўловлар почта алоқаси хизматларини қай даражада кўрсатилаётганлиги тўғрисида фикрлар ўрганилиб, таҳлил этиб борилади. Пенсионерларга пенсия тўловларининг тўланиши, коммунал тўловларини йиғиш бўйича хатоликка йўл қўймаслик мақсадида ўқув машғулоти ўтказилиб, ойда бир маротаба

алоқа бўлими бошлиқлари, хабарчилар, операторларнинг иштироки таъминланган.

Учкун ҲАБИБУЛЛАЕВ,
филиалнинг ахборот технологиялари бўлими бош мутахассиси:

— Вилоятда 286та алоқа бўлими фаолият кўрсатади, шундан 65тасида электрон пул жўнатмалари амалга оширилади. Эътиборлиси, коммунал тўловларни қабул қилишнинг автоматлаштирилган тизими йўлга қўйилди. Бундан ташқари, почта жўнатмаларини назорат қилиш, уларни ўз манзилига етиб бориши учун (рўйхатга олинган почта жўнатмалари) назорат қилиш дастури қўлланилмоқда. Автоматлаштирилган тизимнинг ахамиятли томони - ўғирликларнинг олдини олиш, назоратни осонлаштириш, мижознинг тўлови коммунал идорага тушишининг тезлиги, ходимнинг вақтини тежашда. Яқин кунларгача мижоздан қабул қилинадиган тўловлар бўйича расмийлаштириш қўлда бажарилиб, тармоқнинг ҳисоб бўлимига топширилар эди. Эндиликда коммунал идорага тўловларнинг ўз вақтида етиб бориб, кечикишларнинг олди олинмоқда. Ортиқча йиғиндиларни ҳисоблаш, жамлаштириш қабили бартараф этилиб, тезкорлик, вақтни

тежаш билан бирга, ортиқча расмиётчиликларга барҳам берилди.

Шуқурилла ЖАЛИЛОВ,
филиалнинг КТ ва ҚТ бўлими бошлиғи:

— Янги ишга қабул қилинаётган ходимларга тармоқ мутахассислари томонидан бир hafta давомида соҳага тегишли меъёрий ҳужжатлар билан таништириб, малакали билимга эга бўлган мутахассислар томонидан тушунтиришлар берилади. Шундан сўнг филиалнинг КТ ва ҚТ бўлимига ходимнинг шахсий фаолияти ва бошқа керакли маълумотлар тўғрисида барча ҳужжатлар суҳбат бошланишидан 10 (ўн) кун олдин тақдим этилади.

Ишга қабул қилиш вақтида улардан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 80-моддасида қайд этилган ҳужжатлар талаб этилади, бундан ташқари, кўшимча равишда ишга кирувчи ходимнинг ишга бўлган масъулияти ва жавобгарлигини янада ошириш мақсадида, иш фаолияти давомида у йўл қўйган камомат, ўзлаштириш аниқланган тақдирда, барча ўзлаштирилган маблағлар яқин қариндошлари томонидан тўлаб беришга нотариал идоралар орқали тасдиқланган кафилик хатлари, олдинги ишлаган корхона ёки ташки-

лотдан тавсияномалар, вилоят ИИБ ахборот маркази томонидан судланган ёки судланмаганлиги тўғрисидаги маълумотнома, яшаб турган ҳудудидаги ҚФЙ (МФЙ) раислари томонидан ҳуқуқатвори тўғрисида тавсифнома олинади.

Суҳбат дастлаб тармоқ мутахассислари томонидан берилган тушунтиришларнинг натижаси ёзилган баённома билан таништиришдан бошланади. Сўнг янги ишга қабул қилинувчи ходим у гуруҳ аъзолари томонидан, қайси вазифага тайинланаётганлигини ҳисобга олган ҳолда меъёрий ҳужжатлар асосида савол-жавоблар ўтказилади. Агарда у берилган саволларга қониқарли жавоб бера олмаса, гуруҳ аъзолари маслаҳатлашиб, навбатдаги суҳбатга қадар тайёргарлик кўриш учун бир hafta муддат беради.

Почта хизматини жаҳон андозалари даражасида ташкил этишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Соҳадаги ислохотларнинг бош мақсади ҳам шу вазифага қаратилган. Почта жўнатмалари ва пул маблағларининг жойларда белгиланган тартибда етказилиши таъминлаш мақсадида "Дамас" русумли ва юк автомашинаси аҳоли ҳамда ташкилотларга почта жўнатмалари ва даврий нашрларни етказиб бериш сифатини яхшилаш мақсадида почта хизмати учун фойдаланиш йўлга қўйилган. Косон ва Шаҳрисабз туманларининг етиб бориш қийин бўлган чекка аҳоли масканларида почта алоқасининг анъанавий ва замонавий хизматларини ташкил этиш борасида кўчма алоқа бўлими хизмат кўрсатмоқда.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"нинг Қашқадарё вилотидаги мухбири

E'TIROF

Адашманг Ўзимизники ва ўзимизникилар яхши!

Сарлавҳани ўқиб "Пул топаман деб кул бўлиб қолманг!" мазмундаги мақоладир-да, деган ўйга борсангиз янгилисансиз, бу "ЎзМобайл" мижозининг миннатдорчилик мактуби ва юртдошларига бераётган тўғри маслаҳатидир.

Мен "Хўрозқанднинг ҳам четдан келтирилгани аъло бўлади", — дегувчи инсонларнинг акси бўлганлигим боис, алоқа воситасини сотиб олишда ҳам, алоқа тармоғига боғланишда ҳам ўзимизникини маъқул кўрдим, яъни "Telmax Elektroniks"нинг "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғали AP-310 телефон аппаратини сотиб олиб, "ЎзМобайл" филиали Самарқанд худудий боғламасига уландим.

Телефоним гоҳ ишлаб, гоҳ ишламаганлиги сабабли Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига ариза билан мурожаат қилдим. Шу йилнинг 28 январида "Электромангит мослашув маркази" ДУК Самарқанд техник радионазорат станцияси, Навоий вилоти Электромангит мослашув хизматини 2та автолабораторияси билан "ЎзМобайл" филиали Самарқанд худудий боғламаси бош муҳандиси Жамшид Рахимов, Самарқанд ТРНС бошлиғи А.Хотамов, муҳандиси Х.Тожиёв, Навоий ЭММХ бошлиғи И.Маҳмудов, муҳандиси Ж.Облаевлардан иборат ўрганувчи гуруҳ кишлоғимизга келганида, шунча кишини ташвишга қўйибман-да, деган

ўйда анча хижолат ҳам бўлдим.

Ўрганувчи гуруҳ лаборатория-назорат ишларини ўтказиб, менга зарур маслаҳатларини бериб кетганига ўн кун ҳам бўлмай "ЎзМобайл" филиали техник масалалари бўйича директори ўринбосари Н.Ядгаров имзоси билан: "Сиз яшаётган кишлоқ банд кир ва тоғлар билан ўралган, Сиз Навоий вилотидаги кишлоқнингиздан 42 км. узоқликдаги Лангар таянч станциясидан келаётган заиф, қайтувчи сигналлар орқали телефон алоқасини амалга оширясансиз. 2013 йилда сиз яшаётган Қўшработ туманидаги Жонбулоқ кишлоғига "ЎзМобайл"нинг янги (БС) антеннаси ўриштирилиши режалаштирилган", мазмундаги мактуб олдим. Демак, ҳадемай масала хал этилади.

Шикоят-аризамдаги муаммо биргина меннинг эмас, кишлоғимиз ва ён атрофдаги барча кишлоқларда яшовчиларнинг ҳам муаммолари деб билман. Тезкорлик билан ўрганиш ишларини ташкил этган "Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси бош директори М.Маҳмудовга ва юқорида номлари қайд этилган барча фидойи инсонларга ўз миннатдорчилигини билдираман ва яна бир бора таъкидлайман:

Адашманг! Ўзимизники ва ўзимизникилар яхши! Хурмат билан,

Умар ЮСУПОВ
Қўшработ тумани

QILMISH...

Универсамдаги "дискчилар"

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган "Универсам" бозорини кўпчилик яхши билади. Бу бозорда турмуш учун керак бўладиган барча нарсаларни топиш мумкин. Шу билан бирга, қонунга хилоф тарзда яширин цехларда ишлаб чиқарилган диск маҳсулотлари ҳам керагидан ортиқча топилди.

Элдор Шамсидинов ва Жамшид Захрутдиновлар ана шундай маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланувчи қонунбузар шахслар ҳисобланишди. Уларнинг бир неча йиллик яширин фаолияти нихоят Департаментнинг Мирзо Улугбек тумани бўлими ходимлари томонидан ўтказилган навбатдаги рейд текшируви мобайнида фож этилди.

Аваллига, бозор яқинида кўчма савдо растаси ташкил қилган Жамшид 75 донга турли мазмундаги қўнчи ва кинофильмлар ёзилган дисклар билан қўлга олинди. Суриштирув давомида Жамшид дискларни Юнусобод тумани, 11-мавзеда вақтинча рўйхатда турувчи Элдор Шамсидиновдан сотиб олишини маълум қилди. Битта диск учун 1200 сўмдан хақ берган Жамшид уларни 2000 сўмдан сотишини айтди. Шундан сўнг, текширув 11-мавзеда ташкил этилган яширин цехга қаратилди. У ердан топилган жуда кўп микдордаги тайёр ва ярим тайёр, шу жумладан, 28 донга бехаё мазмундаги диск маҳсулотлари, компютер, рангли принтер, дубликатор, бўёқлар ва бошқа диск тайёрлаш учун керакли маҳсулотлар топилиб, далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Суд мажлисида айбига тўлиқ иқроор бўлган қонунбузар жуфтлик Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан айбдор деб топилди ва жазога тортилди.

Валишер ХОДЖАЕВ,
Бош прокуратура ҳузурдаги СВОЖЖДЛКК
Департаменти Мирзо Улугбек тумани
бўлими катта суриштирувчиси

Xalqaro haqot



ЧИЛИ пойтахти Сантьягода FIDAYE-2012 халқаро фазовий кўргазма очилди. Унда дунёнинг қирқ мамлакатидан беш юзга яқин фирма ва компаниялар ўз махсулотлари билан иштирок этмоқда. Кўргазмада ҳарбий ва фазовий техника, замонавий технологиялар, турли янги хаво транспортлари, соҳага оид махсус машиналар лойиҳалари намойиш қилинмоқда.

Кўргазма доирасида "Ўзгаришлар каноти" мавзuida еттинчи халқаро анжуман ҳам ўтказилиши режалаштирилган. Анжуманда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан йиғилган тўрт юзга яқин мутахассис ва экспертлар соҳани ривожлантириш истиқболлари юзасидан ўзаро фикр ва тажриба алмашади.

ШВЕЦИЯ қоғоз пулдан воз кечган биринчи давлат бўлиши мумкин. Бу ҳақда The Daily Mail газетаси хабар берган. Бу мамлакатнинг аксар шаҳарларида автобус чиптасига мобил сервислар орқали ҳақ тўланади, банклар эса нақд пул амалиётларидан буткул воз кечяпти. Ҳатто черков ҳам хайрияларни пластик карточкалар орқали қабул қилади.

Айни пайтда швед иктисодиётида нақд пуллар муомаласи уч фойзни ташкил этади, АҚШда эса бу рақам етти, Европа Иттифоқида тўрт фойзга тенг. Швецияда нақд пул муомаласининг камайирилиши банкларга ҳужум қилиш жинойятининг пасайишига олиб келди. Масалан, 2008 йилда юздан ортик банк ўмарилган бўлса, 2011 йилда атиги 16 бор ана шундай жинойт амалга оширилди. Бирок ҳақерлик ҳужумлари ва интернет-жинойтчилик сони кескин ортди. Бундай жинойтлар 2000 йилда 3,3 минитани, ўтган йили эса 20 минитани ташкил этди. Яъни, жинойтчилар ўз ишларини интернет орқали амалга оширмоқда.

АҚШ мутахассислари дунё океанлари ҳудудининг қирқ фойздан зиёди инсоннинг ҳўжалик фаолияти оқибатида зарар кўрганини таъкидламоқда. Тадқиқотлар натижасида уларнинг атиги тўрт фойзида табиий мухит ўз ҳолича сақлаб қолингани аниқланди.

Маълумотларга қараганда, Шимолий Атлантика ҳудудида, Тинч океани ғарбий қисмида, Кариб, Ўртаер, Жанубий ва Шарқий Хитой, Қизил ва Беринг денгизларида ҳамда Форс кўлига энг катта зиён етган.

ЖАҲОН БАНКИ олиб борган тадқиқотда аниқланишича, сайёрамизда ҳар сонияда футбол майдонига тенг келадиган ҳудуддаги дархатлар кесиб ташланмоқда.

Тадқиқот муаллифларининг таъкидлашича, ўрмонларни ноқонуний кесиб орқали йилга 10-15 миллиард доллар даромад олинади. Бу ишни амалга ошираётганлар орасида уюшган жинойтчилару давлат амалдорлари, шу орқали кун кўрадиган камбағал одамлар ҳам бор. "Ноқонуний дархат кесувчиларни ҳудди гиёҳванд моддалар сотувчи ёки босқинчини жазолагандек жазолаш керак", — дейди Жаҳон банки ходими Жан Песме. Унинг айтишича, ноқонуний дархат кесиб иши камдан-кам ҳоллардагина судга етиб боради.

Ўрмонларни кесиб, айниқса, Индонезия, Мадагаскар ва Африка ғарбидagi бир нечта давлатларда авж олган.

GERMANYнинг BMW автомобил концерни бутун дунё бўлаб 2003-2010 йилларда ишлаб чиқарилган 1,3 миллионга яқин 5 ва 6 серияли автомобилларини қайтариб олишини эълон қилди, — деб хабар беради RATA-TASS.


Компания вакилларининг сўзларига кўра, ушбу машиналар аккумуляторларининг электр тизимида техник носозлик аниқланган. Оқибатда автоуловларнинг электрон тизими ишдан чиқиши, айрим ҳолларда двигатели ёниб кетиши ҳолатлари кайд этилган.

Магнитли процессорлар — тежамкорлик гарови

Магнитли процессорларга асосланган келажак компьютерлари ҳозирги чиплардан миллион мартаба кам электр энергияси сарфлаши мумкин, дейишмоқда Берклидаги Калифорния университети муҳандислари. Назарий жиҳатдан, магнитли процессорлар физика қонунига бўйсунгани боис, улар умуман ташқи энергияни сарфламайди.

Яхши маълумки, ҳозирги микропроцессорларнинг ишлаш таъйини электр занжири ёки электронларнинг ҳаракатланишига асосланган бўлиб, табиийки, иш жараёнида процессорларнинг тез кизиби кетишига олиб келади. Электр двигателлардаги магнитга ўхшаш нанометрли магнитга эга микропроцессорлар электронларнинг ҳаракатини талаб этмайди ва ўз ўзидан, микропроцессорлар, хотира чиплари ва ҳоказоларнинг кизиби кетиши муаммоси кузатилмади.

"Оханраболи компьютерларда электронларни ҳаракатлантиришга ҳожат қолмайди, — дейди университет муҳандиси Брайн Лэмбсон. — Маълумотлар магнит ёрда-



мида ишланади ва сақланади. Агарда магнитларни кераклича кичрайтира оلسак, уларни бир-бирига шунчалик яқин жойлаштириш мумкин бўлади, шунда уларни ўзаро мувофиқликда ишлатиш имконияти тувилади.

Ҳозирги кунда Берклида 100-200 нанометрли магнит прототи-

лари ишлаб чиқилган, бу магнитлар амалиётга жорий этилгунича яна ўн бараваргача кичрайтирилади. Магнитли транзисторларда мантикий аниқлаш магнитланганлик билан белгиланади — мантикий нул магнитнинг нейтрал ҳолатини билдирса, мантикий бир заряднинг мавжудлигидан дарак беради.

АТ-хабарлар



Хитойлик 22 нафар олимдан иборат Writers Rights Alliance гуруҳи Apple компаниясини ўзларининг муаллифлик ҳуқуқини бузишда айблади. Ёзувчиларнинг айтишича, App Storeда уларнинг юзга яқин асарлари жойлаштирилган бўлиб, компания бундан ноқонуний даромад олмақда.

Writers Rights Alliance компаниядан 50 млн. юан ёки 8 млн. АҚШ доллари миқдоридан товон пули талаб қилмоқда.



Япониянинг NEC корпорацияси умумий майдони 3 квадрат сантиметр, қалинлиги атиги 0,3 миллиметрли ташкил этувчи ўта юпка батарея ORB (Organic Radical Battery) ишлаб чиққанини маълум қилди. Она плата ва турли схемалардан ташқари, мазкур батареяни банк карталари ва эгилувчан экранларда ҳам қўллаш мумкин. Компания янги махсулотини 2013 йилдан оммавий равишда ишлаб чиқаришига киришади.

Келгусида "қоғоз батарея" анъанавий литий-ионли батареяларга муносиб рақиб бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас.



Британия доменларини рўйхатга олувчиси — Nominet ўтган пайшанба кун хабар тарқатишича, .uk миллий британ домен ҳудудидаги рўйхатга олишлар сони ўн миллионлик довондан ўтди. Юбилей домини SN Technologies компанияси томонидан кайд этилди — унинг манзили: swarvemagazine.co.uk. Домен соҳиби — суратқаш Стивен Нортхем.



Жанубий Корея савдолар мувофиқлаштирувчиси маҳаллий мобил алоқа операторлари ва қурилмалар ишлаб чиқарувчиларини умумий ҳисоблаганда 45,3 млрд. вон ёки 40 млн. АҚШ доллари қийматидаги жаримага тортиди. Бунга нархларни сохталаштириш ва миқдорларни алдаш сабаб килиб келтирилган. Мамлакатнинг адолатли савдо бўйича комиссияси таъкидлашича, юқоридаги компаниялар нархларни сунтий ошириш юзасидан ўзаро тил бириктиришган, бундан ташқари, телефонларнинг ҳақиқатда мавжуд бўлмаган имкониятларини реклама қилишган.

Жаримага тортилганлар орасида Samsung Electronics, LG Electronics, Pantech, SK Telecom, KT Corp ва LG Uplus сингари таникли номларни учратиш мумкин.



Американин Twin Creeks Technologies компанияси Миссисипи штатидаги заводда монокристалл кремнийдан ултраюпка пластиналар тайёрлаш технологияси асосида қуёш батареялари ишлаб чиқаришни бошлади. Компания вакилларининг шохидлик беришича, мазкур технология батареялар ишлаб чиқараётган энергияни икки бараваргача арзонлаштираётган (1 ватт учун амалдаги минимум — 80 цент ўрнига 40 цент).

КИБЕРҲУЖУМЛАР КАМАЙДИ, АММО БЕПАРВО БЎЛМАНГ!

Ўтган ҳафта IBM корпорацияси 2011 йилнинг иккинчи ярмидаги киберҳужумлар таҳлил қилинган анъанавий ярим йиллик ҳисоботи (X-Force)ни тақдим этди. Ҳисоботда асосий урғу ҳақерларнинг ҳужумлари сони камайиб бораётгани, бироқ улар тобора аниқ мақсадга йўналтирилаётганига қаратилади. Агарда ўтган йилларда киберҳужумлар оммавий шакл касб этган бўлса, эндиликда маълум бир гуруҳ ёки му-

айян шахслар уларнинг нишонига айланмоқда.

Мисол учун, сўнгги икки йилда спамлар сони, умуман олганда, икки бараваргача кискариб кетди — бу хотиржамликка берилиш учун асос бўла олмайди, негаки дастурий таъминотдаги "ёрик"лар энди ҳақерларни ҳар қачонгидан-да кўпроқ қизиктирмоқда. Ва бундай заифликлар исталганча топилади — IBM томонидан текширилган илова дастурларнинг учдан бир қисми

ахборот хавфсизлиги бўйича таалабларга жавоб бермади.

Шунингдек, ҳисоботда келтирилишича, бизнес-фойдаланувчилар, масалан, давлат сектори ёки нефть саноати учун йўналтирилган мураккаб фишинг ҳужумлари сони кескин ошиши кузатилган. Колаверса, сервер ёки миқдор компютеридagi "ёрик"ларни автоматик қидирувчи ҳақерлик қурилмалари ҳам жуда фаоллашгани мутахассислар томонидан алоҳида кайд этилди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Тошкент алоқа касб-хунар коллежида бўлиб ўтган давра суҳбатида ёшлар тарбияси борасида коллежда олиб борилаётган ишлар ва эътиборга лаб вазифалар муҳокама этилди.

— Ёшлар бизнинг келажагимиз, эртанги кунимиз эгаларидир, — деди тадбирни очар экан коллеж директори **Файзулла АҒЗАМОВ**. — Уларга фақат билим бериш билан чегараланиб қолмасдан, оила қуришга ҳам тайёрлаб бормоғимиз лозим. Тўғри, ҳар бир ўқувчи ўз оиласида тарбия топади, лекин биз педагоглар ўсирилари билан даргоҳимизда бўлган вақтларидан фойдаланиб, уларга тўғри йўлни кўрсата билишимиз керак, шундай эмасми?



Азиза АБИДОВА — хотин-қизлар кўмитаси раиси:

— Фикрингизга қўшиламан. "Ёш оила қурувчилар мактаби"ни шу мақсадда ташкил этганмиз. Бу мактабда кизларга алоҳида, ўғил болаларга алоҳида тушунтиришлар олиб борилади. Йигитларимизнинг жисмонан соғлом ўсишларига эришиш мақсадида "ЖАР" спорт мажмуасида ўтказиладиган машғулотларда иштирок этишларини таъминлаётимиз. Ёшлар оғида ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат туйғуларини шакллантиришга ҳаракат қиляпмиз. "Орасида кизлар" тўғрагида эса кизларимизни поклик, саранжом-сариншалликка ўргатаймиз. Лекин бу ишларимиз етарли эмас. Бундан бун тўғрақлар ишини янада жонлантириш, машғулотларга кўпни кўрган онахонларимизни тақлиф этишни режалаштирганмиз.

Абдували СОДИҚОВ — ўқитувчи:

— Агар биз ёшларимизнинг мустақкам оила қуришларини мақсад қилган эканмиз, ҳар бир ўқувчи билан алоҳида шуғулланмоғимиз лозим. Боланинг ёмони бўлмайди. Тарбиясида камчилиги бўлса; унга меҳр билан ёндашмоқ керак. Биз ўқувчиларга яхши билим бериб, уларни етук мутахассис қилиб тайёрлай олак, бўлғуси оилалар мустақкамлигига ҳисса қўша олган бўламиз. Негаки, билимли, савияли, ишига фидойи инсоннинг оиласи иқтисодий томондан мустақкам бўлади. Ҳамма нарса етарли оилада тинчлик тантана қилади.

Дилфуза ҒОҒУРОВА — ўқитувчи:

— Биз ўқувчилар тарбияси билан шуғулланиш жараёнида отасиз ёки онасиз вояга етаётган ўқувчиларга алоҳида эътибор беришимиз керак. Бундай болаларга кўпроқ меҳр кўрсатсак, хатоларини ётиги билан тушунтириб, тўғри йўлга солсак, ишонманки, бундай боладан келажақда яхши оила сохиби ёки сохибаси этишиб чиқади.

Полвон РАҲИМОВ — коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари:

— Ҳар бир боланинг оғи шуури оилада шаклланади. Оила мустақкам бўлмас экан, унда вояга етаётган фарзандлар биз педагоглар тарбиясига кўпроқ муҳтож бўладилар. Коллежимизда ўқинётган тарбияси суёт болалар билан алоҳида шуғулланяпмиз. Керак бўлса, оиласига бориб ота-онаси билан гаплашяпмиз. Ҳарқалай натижаси бўляпти. Биз ўқувчилар маънавиятини юксалтириш борасида янада кўпроқ иш олиб боришни режалаштирдик.



Оила тинч — Ватан тинч

Ёшларни оила қуришга тайёрлашда ўқитувчиларнинг ўрни

Алоқа корхона ва ташкилотларида ўз ўрнимиз борлигини унутмаган ҳолда уларга етук ва малакали мутахассислар тайёрлаб берайлик. Шундагина биз зиммамизга юклатилган вазифани бажарган бўламиз.

Зеро, маънавияти юқори инсон оиласига эътиборли, фарзандларига меҳрли бўлади. Бу исбот талаб этилмайди-ган ҳақиқат.

Насиба ТУРСУНХҲАЕВА — "Тиллар" кафедраси мудири:

— Биз дарсларимизда оилада ота-онанинг ўрни, фарзанднинг ота-она олдидаги, жамият олдидаги бурчи ҳақида кўпроқ тушунча беришга, кизларни бекаликка тайёрлашга эътибор қаратаймиз. Кафедранинг ўқитувчиларининг кўпчилиги ёш оилаларнинг бекалари. Коллежимиз раҳбарияти уларнинг унумли меҳнат қилишлари билан бирга, оилаларига ҳам етарли эътибор қаратишлари учун барча шароитни яратиб бермоқда. Яхшиси, бу ҳақда уларнинг ўзлари гапиришсин.

Феруза ТОШМУҲАМЕДОВА — ўқитувчи:

— Дарҳақиқат, биз ёш мутахассислар учун билим даргоҳимизда ҳамма имконият бор. Устозларимиз билмаганларимизни ўргатиш билан бирга оилавий масалаларни ҳал қилишда ҳам яқин маслаҳатчи. Бунинг учун раҳбарларимиздан миннатдормиз.

Болалар тарбиясига келсак, биз ўқитувчилар уларнинг интернетдан фойдаланиши масаласига жиддий қарашимиз, тушунтириш ишларини кучайтирмоғимиз лозим. Токи, ўқувчиларимиз интернетдан меъёрида фойдаланишсин ва ўзлари учун фойдаси тегадиган маълумотларнигина ўқишсин.

Темур ЙЎЛДОШЕВ — "Ёшларни чақирқиқ таъёрлаш" кафедраси мудири:

— Инсоният яратилдики, энг оғир вазифалар эркалар зиммасига юклатилиб келинган. Шу жумладан, оила масъулияти ҳам. Оилани яхши бошқариш йигитдан меҳнатсеварликни, фидойилликни, ақл ва фаросатни, оқибатни талаб этади. Шу билан биргаликда, у жисмонан соғлом ҳам бўлмоғи лозим. Ана шу фазилатларни ўзида муҷассам қила олган йигитга Ватан ҳимоясини бемалол ишониш мумкин. Кафедранинг офицерлари йигитларимизни ана шу руҳда камол топтириш учун ҳаракат қилмоқдалар. Шу мақсадда ўқувчиларни дунё янгиликларидан ўз вақтида хабардор қилиб борапмиз. Ва юрт қадрига етишга ўргатаймиз. Спиртли ичимликлар ичиш, чекиш каби зарарли одатларга қарши курашяпмиз.

Мана бугун коллежимиз йигитлари "Шунқорлар" спорт мусобақасида Шайхотхўр туманида биринчиликни эгал-

лади. Энди шаҳар миқёсидаги мусобақаларда қилиб чиқиш учун ҳаракат қиламиз. Мақсадимиз бўлажак Ватан посноларини Ватанга, ота-боболаримиз жасоратига содиқ инсонлар қилиб тарбиялаш.

Марат ИКРОМОВ — ўқитувчи:

— Дарҳақиқат, жўмардлик, Ватани ва оиласи учун қайғуриш марднинг иши. Биз ёшларимиз оғида бу туйғуларни жуда ёш пайтидан сингдиришимиз, билим даргоҳларида эса буни кучайтирмоғимиз лозим. Мен ҳар бир дарсимда ана шу мавзунини тилга олиб ўтаман ва бошқа педагогларга ҳам тарбиянинг шу жиҳатларига эътиборлироқ бўлишни тавсия қиламан.

Файзулла АҒЗАМОВ — коллеж директори:

— Бугун биз педагогларнинг унумли меҳнат қилишимиз, ёш авлодни жисмонан ва маънан баркамол қилиб тарбиялашимиз учун барча имкониятлар мавжуд. Шундай экан, биз ҳам бор қуч ва билимларимизни ишга солиб, ёшларни ватанпарвар ва оилапарвар қилиб тарбиялаёйлик. Бу йўлда ёш ўқитувчилар тажрибали устозлардан иш ўрганишсин. Ўқувчилар тарбияси билан жиддий шуғулланиб, ёрдамга муҳтожларидан ўз қўмағимизни, меҳримизни дариг тутмайлик. Алоқа корхона ва ташкилотларида ўз ўрнимиз борлигини унутмаган ҳолда уларга етук ва малакали мутахассислар тайёрлаб берайлик. Шундагина биз зиммамизга юклатилган вазифани бажарган бўламиз.

Давра суҳбатини Муборак МИРҚАМОЛОВА ёзиб олди

В соответствии с Законом Республики Узбекистан "Об информатизации", в целях повышения эффективности деятельности органов государственного и хозяйственного управления, органов государственной власти на местах, обеспечения широкого использования современных информационно-коммуникационных технологий в сфере государственного и общественного строительства Президентом Республики Узбекистан 21 марта 2012 года принято Постановление "О мерах по дальнейшему внедрению и развитию современных информационно-коммуникационных технологий".

ОПРЕДЕЛЕНА ЗАДАЧА

ПО ДАЛЬНЕЙШЕМУ ВНЕДРЕНИЮ И РАЗВИТИЮ ИКТ НА 2012-2014 ГОДЫ

Данным Постановлением определены основные задачи дальнейшего внедрения и развития информационно-коммуникационных технологий в Республике Узбекистан на 2012-2014 годы. В частности:

- обеспечение формирования Национальной информационной системы на основе поэтапной интеграции информационных систем государственных органов, а также юридических и физических лиц;

- создание информационных систем автоматизации деятельности государственных органов, позволяющих повысить оперативность и качество выполнения ими своих функций;

- расширение перечня и улучшение качества интерактивных государственных услуг, предоставляемых государственными органами субъектам предпринимательства и населению, обеспечение широкого доступа к соответствующим информационным ресурсам, в том числе в сельской местности;

- совершенствование системы регулирования в сфере информационно-коммуникационных технологий с учетом состояния развития информационных ресурсов, технологий и систем, в том числе систем обеспечения информационной безопасности;

- обеспечение информационной безопасности Национальной информационной системы, защиты ее информационных систем и ресурсов.

Постановлением утверждены Программа дальнейшего внедрения и развития информационно-коммуникационных технологий в Республике Узбекистан на 2012-2014 годы и Перечень информационных систем органов государственного и хозяйственного управления, органов государственной власти на местах, интегрируемых в Национальную информационную систему в период 2012-2014 годов.

В соответствии с постановлением, на Узбекское агентство связи и информатизации возложены задачи по определению и реализации единой технической политики формирования Национальной информационной системы в целях обеспечения интеграции информационных систем, используемых в государственных органах, оказании технической поддержки в реализации единого технологического решения по предоставлению государственных интерактивных услуг, координации



работ по дальнейшей интеграции информационных систем государственных органов.

Установлено, что Центр развития и внедрения компьютерных и информационных технологий "UZINFOCOM" УзАСИ является ответственным за создание, развитие и обеспечение информационной безопасности интегрированных информационных систем для оперативного информационного обеспечения Аппарата Президента Республики Узбекистан и Кабинета Министров, а также обеспечение их взаимодействия с информационными системами государственных органов.

Постановлением также определено, что с 1 августа 2012 года специализированные программные продукты, вновь разрабатываемые или закупаемые в рамках Национальной информационной системы для государственных органов, подлежат обязательной предварительной экспертизе и могут быть установлены только с разрешения УзАСИ. Руководители государственных органов несут персональную ответственность за использование специализированных программных продуктов без соответствующего разрешения УзАСИ.

Реализация данного Постановления послужит дальнейшему внедрению и развитию современных информационно-коммуникационных технологий в Республике Узбекистан, а именно:

- совершенствованию нормативно-правовой базы, регламентирующей использование специализированных программных продуктов в государственных органах;

- дальнейшему совершенствованию мер стимулирования национальных разработчиков программного обеспечения (ПО) и высококвалифицированных спе-

циалистов по ИКТ государственных органов;

- дальнейшему развитию телекоммуникационной инфраструктуры широкополосного доступа населения к сети Интернет;

- развитию сотрудничества с ведущими зарубежными компаниями в области разработки и внедрения ПО;

- развитию инфраструктуры сети и коммуникаций по обеспечению электронной оплаты населением коммунальных услуг и других платежей;

- совершенствованию системы подготовки и переподготовки, обеспечению наличия базовых навыков по работе с ИКТ руководителей и сотрудников государственных органов;

- повышению квалификации и сертификации специалистов по ИКТ государственных органов на специализированных курсах, в т.ч. обеспечению информационной безопасности;

- развитию и расширению интерактивных государственных услуг субъектам предпринимательства и населению через Правительственный портал на основе взаимодействия государственных органов;

- стимулированию дальнейшего развития использования современных информационных технологий в коммерческой деятельности и предпринимательстве;

- развитию национальной информационно-поисковой системы, отечественных социальных сетей, и других современных информационных ресурсов широкого пользования, дальнейшему развитию национального сегмента сети интернет;

- повышению компьютерной грамотности населения, а также уровня знаний иностранных языков и др.

Аси.uz

Существенное снижение цен на VPS и хостинг в Датацентре

Центр развития и внедрения компьютерных и информационных технологий UZINFOCOM, идя навстречу многочисленным пожеланиям своим клиентам, партнерам, узнетчиков, и поддерживая развитие местных интернет-ресурсов, сообщает о снижении цен на услуги хостинга и VPS.

Новые тарифы вводятся с 1 апреля 2012 года, и, несмотря на то, что это день юмора и шуток, вводятся вполне серьезно! Напомним также, что 31 марта исполняется три года нашему Датацентру. За это время Датацентр, постоянно расширяясь и совершенствуясь, превратился в популярную хост-площадку Узбекистана.

Главные "приятности" новых тарифов для физических и юридических лиц.

- Цена минимального хостинга объемом 50 Мб снижена с 4 000 сум в месяц до 3 000 сум.

- Цена хостинга объемом 100 Мб снижена с 6 000 сум в месяц до 5 000 сум.

- Цена хостинга объемом 500 Мб снижена с 17 000 сум в месяц до 15 000 сум.

- Добавлены новые желанные планы с объемами 750 Мб, 1, 5, 10, 15, 20 и 30 Гб.

Самое большое снижение цен получила услуга VPS (Virtual Private Server) — услуга по аренде виртуальных выделенных серверов. Цены снижены более чем в два раза! Например, для объема 5 Гб было 71 000 сум в месяц, стало 33 000(!!!) сум, для 10 Гб было 112 000 сум, стало 45 000(!!!), для 15 Гб было 153 000 сум, стало 60 000(!!!) сум. И так далее.

Объем дискового пространства, бесплатно предоставляемый для сайтов госорганов, увеличился с 250 Мб до 400 Мб.

Заметили, наверное, что цены в суммах, не привязаны к у.е. и росту курса доллара? Напомним, что в феврале 2012 года Датацентр получил новый канал до ТАС-IX на скорости 1 гигабит в секунду (+ к гигабитному каналу до сети провайдера UzNET, — итого 2 Гбит/с). Надежность размещения и доступа к информации самая высокая в Узнете, складывается из нескольких факторов:

- круглосуточная охрана, исключающая несанкционированный доступ к оборудованию;

- максимальная защищенность от внешних природных или человеческих воздействий;

- совершенная система климат-контроля, обеспечивающая комфортную для оборудования температуру в любое время года;

- круглосуточный мониторинг работоспособности и характеристик оборудования с оперативным реагированием на возможные отклонения;

- защита от внешних атак, от вирусов и попыток несанкционированного доступа к сайтам специалистами Службы реагирования на компьютерные инциденты UZ-CERT;

- администрирование серверов и техническое сопровождение высококвалифицированными специалистами Центра UZINFOCOM;

- бесперебойное питание (от кратковременных скачков защищают аккумуляторы, а при длительном отключении питания включается дизель-генератор);

- оборудование только от ведущих мировых производителей.

Новые тарифы появятся на сайте первого апреля. Сообщаем заранее, чтобы было время подумать, настроиться и прийти в наш Абонентский отдел и выбрать подходящий вам тариф на хостинг или VPS для своих проектов.

Uzinfocom.uz

● Объявление

Турфирма "INTUR-OSIYO"

- ✦ Малайзия, Таиланд, Вьетнам, о. Бали, Китай, Чехия;
- ✦ Страны СНГ, МОСКВА, САНКТ-ПЕТЕРБУРГ, КИЕВ и др.;
- ✦ Турция, Египет, ОАЭ, Индия (Гоа), Мальдивы;
- ✦ ОТДЫХ В ГОРАХ (корпоративно и индивидуально);
- ✦ Экскурсии по Ташкенту (индивидуально и в группе);
- ✦ Поездки в Самарканд, Бухару, Хиву;
- ✦ Бронирование авиабилетов и отелей по всему миру.

Ташкент, ул. Буюк Ивак йули, 115,
тел.: / факс (99871) 268-14-83, тел.: 268-74-99,
268-72-23, (+99893) 387-79-49.

Услуги лицензированы Т-ВС-1948.

Хабар +tv

О‘ЗБЕКИСТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Олам ва одам" дастури. "Замин гаройиботлари".
7.25 "Иқлим".
7.30 "Уй юмушлари". Т/с.
8.00 Телесериал.
8.40 - 9.45 "Мазмунли" дастури.
9.45 "Модир кўлар".
10.00 "Минг бир ривоят".
10.05 "Зиё" студияси. "Этикада муҳтамакчилиги бўлса".
10.25 "Яхшилар ёли".
10.45 "Саломатлик сирлари".
11.00 "Абдор".
11.00 "Ижгув ҳоли". Т/с.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
12.50 "Кўнгли қўнқ истайд".
13.00 "Ватан манзиллари".
13.40 "Истиқлол фарзандлари".
14.40 "Абдор".
14.15 Миллий кино: "Чашма".
15.25 "Иқлим".
15.30 "Олам ва одам" дастури. "Бирдаст денгиз".
16.10 "Эртанлар - яхшиликка шараф".
16.40 "Икки дарё оралиғи".
17.00 "Абдор".
17.10 "Қирол Сежон". Т/с.
17.45 "Тарих қўзғаси".
18.10 "Кўнгли қўнқ истайд".
18.10 "Ватан манзиллари".
18.30 "Иштиқ".
18.35 "Доктор Хаво". Т/с.
19.20 ТВ - шифорат.
20.05, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Абдор" /рус/.
20.05 "Оттин мерос".
20.15 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
21.00 "Абдор".
21.40 "Мен ёшловман".
21.55 "Қабиюна қўнқ туг". Т/с.
22.40 "Иқлим".
22.45 "Ижгув ҳоли". Т/с.
23.35 "Олам ва одам" дастури. "Замин гаройиботлари".
23.40 "Иқлим".
23.55 Кўрсатувлар дастури.
00.00 "Тарих қўзғаси".
00.15 "Иқлим".
00.30 "Ватан манзиллари".
00.35 "Мен ёшловман".
01.30 "Кўнгли қўнқ истайд".
1.00 "Абдор" /рус/.
1.30 - 2.30 "Мазмунли" дастури.
2.30 "Иқлим".
2.35 "Истиқлол фарзандлари".
3.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
3.40 "Абдор".
4.00 Миллий сериал: "Туташ тақдирлар".
5.15 "Саломатлик сирлари".
5.30 "Икки дарё оралиғи".
5.50 - 5.55 "Отун".



6.00 "Ватан милоди".
6.10 "Тарангум".
6.30 "Мультипранорама".
8.00 Миллий сериал: "Чорраҳдаги уй".
8.40 "Ешдик навалари".
9.00 "Афсона ва ҳақиқат".
9.20 "Ҳолб" Т/с.
9.20 "Давр ҳафта ичюда".
10.30 Миллий сериал: "Фидойилар".
11.10 "Қамқотил-инфо".
11.30 "О, спорт!".
11.40 "Сехри қўлар".
12.00 "Терра-Нова". Т/с.
12.50 "ЎзБЕК".
13.00 "Давр".
13.10 "Ешдик навалари".
13.40 "Қўмондон". Т/с.
14.20 "Қўнқча дар".
14.50 "Табият бир назар".
15.10 "Мультипранорама".
16.00 "Давр".
16.10 "Суурлар". Т/с.
17.20 "Тут ва Наврўз".
17.40 "Бахт ер бўлсин". Б/ф. 1-қисм.

18.50 "ЎзБЕК".
19.00 "Давр".
19.30 "Қўмондон". Т/с.
20.20 "Қўнқ назар".
20.50 "Миллий мерос".
21.00 Миллий сериал: "Фидойилар".
21.40 "Ешдик навалари".
22.00 "Давр".
22.30 "Терра-Нова". Т/с.
23.20 "Илом қилдилар".
00.00 "Ватан милоди".
00.10 "Муруват мактаби". Б/ф.
1.40 "Ешдик навалари".
2.00 "Давр".
2.30 "Мўҳажирин дунё".
4.10-6.00 "13-студия".


СЕРИАЛ

6.00 Кўрсатувлар тарғиб.
6.05 "Сезинг утун, одам бутин". Б/ф.
7.30 "Салом, Тошкент".
8.30 Тошкент тароналари.
9.00 "Уларин".
9.45 "Китри доираси".
9.00 "Эко-пойтахт".
9.10 "Итгерва".
9.20 "Интеллектуал аукцион".
9.30 "Пойтахт".
9.45 "Ирбўт".
10.15 "Камер оркестрининг концерти".
10.30 "Пойтахт" /рус/.
10.45 "Душанба эрталаб". Б/ф.
12.35 "Мулоҳаза уюн маку".
13.00 "Салом, Тошкент".
14.00 "Дунё" телесериали.
15.00 "Пойтахт".
15.15 "Икки тақдир". Т/с. 161-қисм.
15.35 "Мен оқил айтаман".
16.00 Тошкент тароналари.
16.10 "Пойтахт йўллари".
16.30 "Тавин нуқтаси".
17.00 "Зарғалок". М/ф.
17.20 "Қасбим-фақрим".
17.40 "Менинг шаҳрим".
18.00 "Пойтахт".
8.30 "Этикада".
18.50 Миллий сериал: "Чемпионлик ордени".
19.20 "Телекурвур-маркет".
19.30 Тошкент тароналари.
19.45 "Интеллектуал аукцион".
19.55 "Бизнес-пойтахт".
20.00 "Пойтахт".
20.25 "Жумон". Т/с. 46-қисм.
21.00 Тошкент тароналари.
21.15 "Итгерва".
21.25 "Уларин".
21.30 "Пойтахт" /рус/.
21.50 "Телекурвур-маркет".
22.00 "Кино S.M.S. со эъланлар".
22.05 "Високосний йил". Х/ф.
23.45 "Эко-пойтахт". /рус/.
00.00 Кўрсатувлар тарғиб.
00.05 "Песни Джексона: ил дошгилъи молдин". Х/ф.
2.00 "Неукротимые дельфины". Д/ф.
2.55 "Уларин".
3.05 "Бизнес-пойтахт".
3.10 "Душанба эрталаб". Б/ф.
5.00-6.00 "Салом, Тошкент!"

SPORT

6.00 "Хайри тонг".
6.10 "Саломат бўлинг".
6.35 "Жасур болалар".
7.00 "Жаҳон спорт қозғалари - Жорж Бетт".
7.25 Болалар майдончаси: Тонин гимнастика. Спиритализм. Мультифильм.
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 "Саломат бўлинг".
8.50 Итгервўбол.
10.35 Ялпон спорт тури - кендо.
11.15 MotoGP. Жаҳон чемпионати.
12.05 Ринг қироллари.
12.55 Раккетлар, нитголлар, рефитлар.
13.00 ХАБАРЛАР.
13.15 Болалар майдончаси:

"Спортизм". Мультифильм.
13.45 Теннис: АТР, WTA турнири.
15.15 Футбол: Италия чемпионати.
17.00 ХАБАРЛАР.
17.10 Автопорт. Жаҳон чемпионати.
18.00 Болалар майдончаси: "Спиритализм". Мультифильм.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 Саломатлик хазинаси.
18.55 "Баркамол аёл".
19.20 Кураш: Ўзбекистон чемпионати.
20.10 "Слимн сари".
20.30 "Спорт - маркет".
20.40 "Футбол шаро".
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 Саломатлик хазинаси.
21.55 Итгервўбол.
22.35 Сешаб дастури аюноси.
23.45 Фигурилар учин. Жаҳон чемпионати.
1.00 ХАБАРЛАР.
1.20 Кураш: Ўзбекистон чемпионати.
2.10 "Баркамол аёл".
2.35 Спорт. Жаҳон чемпионати.
3.25 Алпониш аёлларини.
3.40 Теннис: АТР, WTA турнири.
5.05 5.05 Автопорт. Жаҳон чемпионати.



07.00 09.20 11.00 13.20 15.30 19.50 20.35
00.00 "TVM" навалари
08.10 "Сервал" "Соғдиқ".
09.40 "Сериал" "Посредник Кейт".
10.20 "Премьера".
11.30 "Эта дурачка любовь". Х/ф
14.10 "Сериал" "Соғдиқ".
18.00 "Нуи устид".
18.40 "Сериал" "Соғдиқ".
20.10 "Топ-10".
21.00 "Сериал" "Менталист".
22.00 "НАКОМКТОВСТВО С ФАКЕРА-МИТ" Х/ф.
02.00 Фильм, котрое должна увидеть "Игра" № 274 по версии "TV3".
04.00-05.00 "Душа музыка".
Концерт Epic Supton

БИРИНЧИ

04.00 08.05 Телеканал "Доброе утро".
08.00 11.00, 14.00, 02.00 Новости
08.35 Контрольная закупка
09.00 "Жизнь зоркого".
10.00 Маленький приговор
10.20 "Криминальные хроники".
11.50 "Право на защиту".
12.00 Другие новости.
12.20 Понятие. Простать.
14.25 Т/с "Обучающее колесо".
16.00 Т/с "Сердце Марии".
17.00 Вечерние новости.
17.50 "Давид поклянется".
18.50 02.15 "Пусть говорят".
20.00 "Время".
20.30 03.10 Т/с "Отрыв".
21.25 Т/с "Краткий курс счастливой жизни".
22.20 "Познер".
23.20 Ночные новости.
23.40 Т/с "Белый воротничок".

РОССИЯ 1

05.00 "Утро России".
09.00 "С новым годом!". Ток-шоу.
09.45 "О самом главном". Ток-шоу.
11.00 14.30 17.00 20.00 Вести.
11.30 14.30 17.30 Местное время.
Вести - Москва.
11.50 Вести. Дежурная часть.
12.00 "Кулагин и партнеры".
13.00 Т/с "Тайны следствия".
14.50 "Третья ладья". "Лавина любви". Т/с.
15.45 "Кривоштан". Т/с.
16.45 Вести. Дежурная часть.
17.50 "Бранное агентство Николая Баскова".
18.20 "Прямой эфир".
20.30 Местное время. Вести.
20.50 "Спокойной ночи, малыши!".

21.00 Т/с "Шапоvalов".
22.55 Т/с "Лектор".
23.55 "Дежурный по стране". Михаил Жванецкий.

НТВ

04.55 "НТВ утром".
07.30 Т/с "Литвиненко".
08.30 09.20 14.30 17.30 Спорт.
Чрезвычайное происшествие.
09.00 12.00 15.00 18.00 Сегодня.
09.55 "До суда".
11.00 Суд присяжных.
12.30 Т/с "Мейтовские войны".
15.25 "Прокурорская проверка".
16.40 "Госкрим и психологияем". Ток-шоу с Леонидом Завковским.
18.30 Алексей Крайченко и Сергей Селин в беседе "Братаны".
20.25 Т/с "Участковый".
22.15 Сегодня. Итоги.
22.35 Честный поединок.
23.25 "Школа элословия".

РОССИЯ 2

05.30 "Индустрия кино".
06.00 "Моя планета".
06.30 "В мире животных" с Николаем Прозоровым.
07.00 09.00 12.00 00.55 Вести-Спорт.
07.10 "Все включено".
08.10 "Моя рыбалка".
08.40 11.45 01.05 Вести.ру.
09.10 Вести-Спорт. Местное время.
09.15 Х/ф "Приказание уничтожить".
11.10 "Вопрос времени". ДНК - досье на крестку.
12.10 "Футбол.ру".
13.15 "Все включено".
13.45 Салватор Сталлоне в фильме "Рэмбо 4".
15.25 "Основной состав".
15.55 Коктейль. КХЛ.
18.15 Волшебник.
20.20 "Территория боя".
21.25 "Неделя спорта".
22.20 Футбол. Инаугурция Евро-2012.
22.55 Футбол. Чемпионат Англии.
01.20 Рейтинги Тимофея Баженова.
Знакомая пригода".

СТС

06.00 12.30 М/с.
08.00 "Снефокор".
09.00 09.20 16.30 23.35 "6 кадров".
11.30 "Пальны дочка".
14.00 "Пальны дочка".
15.00 "Объявить всех".
17.00 "Волгате и знаменитые".
17.30 "Галлево".
18.30 "Дашей молодец".
19.00 "Молодожены".
19.00 "Воронины".
21.00 "Закрывать школы".
22.00 "Дом с приключениями".

ТВ3

06.00 М/ф.
07.30 Т/с "Звездные войны: Войны клонов".
08.00 Д/ф "Тайные знаки. Мэрилин Мозер. Нет права на счастье".
10.00 "Как это славно".
10.30 Д/ф "Искупление времени".
11.00 Д/ф "Загадки истории. Святые. Параселла Птивица".
12.00 Д/ф "Горюхале легенды. Барнаульские катастрофы. Опасная реция".
12.30 Д/ф "101 гаджет, который изменил мир".
13.25 Х/ф "Силваня".
16.10 Д/ф "Тайные знаки. Людям не нужна правда. Неподдельные происхождения Джейн Диксон".
17.05 Д/ф "Святые. Тайна чудотворца Спиритиды".
18.00 Т/с "Дежурный отдел 2".
19.05 Т/с "Кости".
21.00 Д/ф "Загадки истории. Красный Франклинштейн".
22.00 Х/ф "После реаниматора".

UZBEKISTON

5.55 Кўрсатқувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Олам ва одам" дастури: "Замин паройиботлари".
7.15 "Иқлим".
7.30 "Кўнгат қўнқик истайлди".
7.30 "Ҳи қолдулар". Т/с.
8.00 "Абборот".
8.40-9.45 "Миллавики" дастури.
9.45 "Қудулар ҳақи".
10.00 "Навоини англаш".
10.15 ТВ - шифкор.
10.20 "Қалбимга қулқ тут". Т/с.
11.00 "Абборот".
11.10 "Иқдулар хоним". Т/с.
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
Франкфурт биноси айна дамда ахборот ва телекоммуникация технологияларининг барча талабларига жавоб беради; шунингдек, унинг хизматлари доирасига марказий банк маълумотларини яратиш ва уларни бошқариш ҳам қиради. Буидан ташқари, мазкур бинода 1933 йилдан 1945 йилгача бўлган даврни ўз ичига олган Немис архиви жойлашган.

Немис мукааб архиви партитуралар (кўп овозли мукааб асарига ҳамма қисмларнинг мажмуи) ва мукаабий овоз ёзувларини библиографик рўйхатдан ўтказиш ва сақлашга жавобгардир.

Ҳозирги кунда Немис Миллий кутубхонасида тахминан 24,1 миллион бирликдаги жамғарма мавжуд бўлиб, унинг тахминан 14,3 миллиони Лейпцигда, тахминан 8,3 миллиони Франкфурт-Майнда, тахминан 1,5 милли-



Немис Миллий кутубхонаси:

Тўрт юз эллик иллик ўтмиш зияси

они эса Немис мукаабий архивида жойлашган.

Бавария Давлат кутубхонаси

Италян ренессанси даврига оид саройлар меъморчилиги услубида қурилган тўғрибурчакли ушбу мукаабати бино Мюнхендаги Людвигштрассе 16 кўчасида яққол кўзга ташланиб туради. Бу бино Бавария кироли Людовик I буюртмаси бўйича 1843 йилда сарой меъмори Гертнер лойиҳаси асосида барпо этилган. Маъшур инглиз боғи ва Людовик Максимилиан номидаги университетга ёндош бу бинода Bayerische Staatsbibliothek (Бавария Давлат кутубхонаси) жойлашган. Муассаса Европадаги энг катта кутубхоналардан бири бўлиб, Немис Миллий кутубхонаси, Берлиндаги Давлат кутубхонаси қатори "Германия Виртуал Миллий кутубхонаси" таркибига қиради.

Кутубхона жамғармаси 10 миллион жилд (том)ни (рус тилидаги нашрлар билан бирга) ўз ичига олади. Тўпламлари Европадаги энг керакли ва қадимий эканлиги билан аҳамиятлидир — муассаса инкунабула (харф териш йўли билан чиқарилган дастлабки ки-

тоб)лар ва кўлёмалар, хариталар, суратлар ва Шарк, Шаркий Осиё ва Шаркий Европа мукаабий нашрларининг улкан жамғармасига эга. Кутубхонага 1558 йили Виттелсбах герцоги Албрехт V асос солган. У

Рух Соборида 1430 йили Людвиг III штифт (металл ўзакча)ли кутубхонага асос солди. Ушбу жамғарма 1550 йилда Отто Генрих томонидан ташкил этилган Палата коллекциясига асос сифатида хизмат қилди. Генрих Монастир кутубхонаси билан университет кутубхонаси жамғармаларини ўз кутубхонасига бирлаштирди. Сўнг Улрих Фуггер тўпламлари ҳисобида коллекция кенгайтирилди. Кўлёмза асарлар сони бўйича папа кутубхонасини ортада қолдирган Палата кутубхонаси ўз тараккиёти даврида "барча кутубхоналар онаси" ҳисобланган.

Ўттиз йиллик уруш даврида кўплаб китоблар ўғирланди ёки йўқ қилинди, қолганлари эса Католиклар лигаси йўлбошчиси Максимилиан томонидан "садоқат ва ҳурмат белгиси" сифатида папа Григори XVга топширилди. 1623 йили кутубхона бутунлай Ватикан кутубхонаси таркибига ўтказилди, фақат хар бир том саҳифасида Виттелсбах герби сақланиб қолди, ҳоло.

Француз республикаси 1797 йили 37 кўлёмза асарни папага топширди. "Франция бошқа мамлакатлардан олиб кетган санъат асарларини тўла қайтаришига" келишилган Вена конгрессигада улар Париж миллий кутубхонасига сақланар эди. Конгрессдан сўнг барчаси Гейделбергга қайтарилди. 1816 йили эса Фон Вессенберг папа Пий VIIни князлар Игнац ва Гарденбергнинг 852та кўлёмза асарини Гейделберг университетига топширишга кўндирди.

Собиқ Мюнхен Сарой кутубхонаси 1919 йилда Бавария Давлат кутубхонаси номини олди. Фондларнинг эвакуация қилинишига қарамастан, Иккинчи жаҳон урушида кутубхона беш юз минг томга яқин китобини йўқотди. Бинонинг ўзи эса саксон беш фонз зарар кўрди. 1946 йилда қатор таъмирлаш-тиклаш ишлари бошланди ва 1970 йилга келиб, янги таъмирланган жанубий қисми фойдаланишга топширилди.

Ҳозирги кунда Немис Миллий кутубхонасида тахминан 24,1 миллион бирликдаги жамғарма мавжуд бўлиб, унинг тахминан 14,3 миллиони Лейпцигда, тахминан 8,3 миллиони Франкфурт-Майнда, тахминан 1,5 миллиони эса Немис мукаабий архивида жойлашган.

шу орқали нафақат гуманист ва маърифатпарвар сифатидаги шахсий қарашларини кучайтирмоқчи, балки Виттелсбах уйини ташкил этишни мақсад қилган эди. 1571 йили Хартманн Шедел кутубхонасидан Иоганн Якоб Фуггер сайланмалари сотиб олинди. 1663 йили чиққан "мажбурий нусхалар" тўғрисидаги қонунга кўра, инсталланган босма нашрлардан икки нусхаси Бавария кутубхонасига топширилиши шарт қилиб қўйилди.


Уйғониш даври Германиясида 3524 кўлёмза асарлар ва беш минг босма китобларга эга бўлган Палата кутубхонаси энг муҳим кутубхона ҳисобланган.

Гейделбергда жойлашган Мукаабас

МАВЗУ ДОИРАСИДА:

- 1986 йили Гейделберг университетининг 600 йиллик юбилеи нишонланганда Мукаабас Рух Соборида Палата кутубхонасига тегишли айрим китоблар кўргазмаси ўтказилди.
- 1996 йили Германиядаги китобларга микрофиш шаклида улашни йўлга қўйилди. 2009 йилдан эса Палата кўлёмзалари тўла рақамлаштирилиб, уларни интернет орқали ўқиш имкони яратилди.
- 1997 йилда "Ҳужжатларни рақамлаш Мюнхен маркази" ташкил этилди, орадан ўн йил ўтгач эса, яъни 2007 йили кутубхона Google компанияси орқали тарқатилмайдиган сақлов бирликлари ва муаллифлик ҳуқуқларини рақамлаш бўйича ўз ҳамкорларини маълум қилди.

Робот-кутубхоначи



бўлиб, фаолиятни бошқариш учун бўйимлар туркумига ва бармоқли иккита кўлга эга. Овозли идентификация тизими китобхондан китоблар ҳақида буюртма қабул қилади ва уни маълумотлар базасига жўнатади, у ердан керакли объектнинг тахминий жойлашган ўрни ҳақидаги маълумотни олади. Сўнг UJI Online Robot китоблар жағонига боради ва инфрақизил ва лазер кузатув тизимини ишга солган ҳолда тўрт метрли радиусда барча китобларни кўздан кевириб чиқади ва кераклисини топа олади. Гуруҳ раҳбари профессор Энжел Побилиннинг айтишича, энг мураккаб вазифа роботнинг қўлини ишлаб чиқиш бўлган. Сабаби робот китобни йиртмасдан тартибли ушлаши керак эди. Бунинг учун машинага қўл ҳаракати кучини ҳисобловчи датчиклар ўрнатилди.

Айни дамда робот-кутубхоначи билан нафақат Испанияда, балки Япония ва АКШда ҳам синов ишлари олиб борилмоқда. Ихтирочилар бир неча йилдан сўнг бу машиналар китоб сақловхоналарида ўз ўринларига эга бўлишига ишонимда.

Кастелло университети лабораториясининг испан тадқиқотчилари гуруҳи мобил робот-кутубхоначининг мукаабам намунасини яратдилар.

Алломалар асари ахборот асрида

Наврўздан Наврўзгача бўлган даврда Адиб Собир Термизий номидаги Сурхондарё вилоят ахборот-кутубхона маркази ходимлари ҳаёти ва фаолиятида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Биринчи навбатда, мавжуд адабиётлар ва электрон манбалар жамғармаси мустаҳкамланди. Марказ имкониятларидан фойдаланувчилар сони анча ошди.

Уларга хизмат кўрсатиш сифати тубдан яхшиланди. Шу мақсадда ахборот-коммуникация технологияларини ахборот-кутубхона фаолиятига кенг татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳозир вилоятда марказ иш жараёнини автоматлаштириш тадбирлари босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Компютерлар юз фоиз маҳаллий тармокка уланган. 2011 йил мобайнида жами 4526 номдаги 7544 нусха адабиёт электрон каталогга киритилди.

Бундай китоблар орасида Имом Абу Исо ат-Термизий, Ал-Ҳаким ат-Термизий ва Адиб Собир Термизий каби буюк алломалар ёзиб қолдирган бебаҳо маданий мерослар борлиги, айниқса, қувонарлидир. Фойдаланувчилар Ал-Ҳаким ат-Термизий қаламига мансуб "Солнома" асарининг электрон варианты билан илк бор танишиш имкониятига эга бўлишди. Маълумки, бу асар қадимий ва кадрли байрам — Наврўз сифатлари ҳақида сўзлайди. Аллома "Йил боши" келган кунга қараб дехқончилик ва чорвачилик учун об-ҳаво қандай бўлишини ишончли изохлаган. Бу башорат кўп ҳолларда ўз исботини топган.

Ишонланган ва бугун кўтаринки руҳда кутиб олинган байрамлар оралиғидаги муддатда режиссёр ва тасвирчи Комилжон Ҳамроевнинг "Авлиёлар сардори" хужжатли филми тақдими бўлиб ўтди. Ал-Ҳаким ат-Термизий ҳақидаги бу фильм вилоят ахборот-кутубхона маркази ходимла-

рига қайсидир маънода "дарс" берди. Гап шундаки, тақдиротда юқори баҳоланган ижодий изланиш бобокалонимизнинг асарлари Англия, Италия, Франция, Германия кутубхоналарида сақланаётганидан дарак беради. Хусусан, хорижлик Солиҳ Чибат ўзини термизийшунос олим деб таништирар экан, мамлакатидоги кутубхонада юртдошимиз асарларидан 40таси сақланаётганини айтиб ўтди.

— Ватанимиз тупроғида таваллуд топган ва яшаган табаррук зотларнинг асарлари яқин келажакда авлодлари маънавий мулкига айланади, дейди ишонч билан вилоят ахборот-кутубхона маркази директори Шайдулла Холиёров. — Ниятга етиши-

Фойдаланувчилар Ал-Ҳаким ат-Термизий қаламига мансуб "Солнома" асарининг электрон варианты билан илк бор танишиш имкониятига эга бўлишди.

мизда қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъриёв хужжатлар дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Дарҳақиқат, ўтган йили "Ўзбекистон Республикасининг Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Унда соҳани амалдаги ахборот асри талаблари даража-

сига кўтаришдек устувор вазифа олға сурилди. Колаверса, мамлакатимиз Президентининг "2011-2015 йилларда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматини ахборот-коммуникация технологиялари асосида келгусида сифатли ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинган қонуности хужжати сифатида катта аҳамият касб этади. Эътиборлиси, ҳар иккала ҳуқуқий хужжат ҳам мамлакатимиздаги ахборот-кутубхона муассасаларини ягона ахборот-кутубхона маконида бирлаштиришга хизмат қилади.

— Жорий йил бошида бу каби ўта муҳим ва долзарб вазифаларни тезкор бажаришга бағишланган ўқув машғулотларида қатнашиб кайтдим, — деб сўзлашда давом этди Шайдулла Холиёров, — йўлга қўйилган интеграциялашув жараёни фаолиятимиз ривожини таъминлайди.

...Миллий ва қадимий байрам — Наврўзи олам кунинда адиб Собир Термизий номидаги Сурхондарё вилоят ахборот-кутубхона маркази жамоаси бир-биринга баҳор қувончларини улашмоқда, мустақиллик туфайли қайта тикланган Наврўз соатларида энг яхши тилаклар билдирилмоқда. Алломалар асари ахборот асрида миллион-миллион мухлисларнинг кўнгил мулкига айлиб бораётганига шукроналар билдириляпти.

Ҳамкасблар ўтган Наврўзда мустақилликнинг 20 йиллик тўйини ёруғ юз билан кутиб олишни ният қилишган эди. Не бахтки, муроди ҳосил бўлди. Энди эса вилоят ахборот-кутубхона марказининг янги ва замонавий биноси лойиҳаси ижросига катта умид боғлашмоқда. Илоҳим, яхши ният — ярим давлат деган ҳикмат тез орада ҳақиқатга айлансин!

Нортожи ЗИЁЕВ,
"Хабар"нинг Сурхондарё вилоятидаги муҳбири



Навоийда сумалак сайли

Жорий йилнинг 24 март куни "Ўзбектелеком" АК Навоий филиали автокорхонаси ҳовлиси байрамона тус олди. Барчанинг юзида кулгу-табассум. Ҳамма байрамона кайфиятда.

Эрталабдан ёғиб ўтган ёмғир бироз ноқулайлик келтирган бўлсада, тушликка бориб осмонимизда учиб ўтган турналар кўнгилларини хушнуд этиб, байрамона кайфиятни янада оширди. Филиал директори У.Исмоилов байрам тадбирини қириш сўзи билан очиб, аввало, филиал боғбони Ҳамза Ҳакимовни 50 ёши билан қутлади, ўзбекининг миллий либоси ҳисобланмиш тўн ва дўппи кийдириди. Ушбу эзгу тадбир билан байрам боғлиб кетди.

Иктидорли ёш мутахассислар З.Орзиқулов ва М.Қамбаровалар Наврўз байрамга бағишланган "Наврўз — уйғонин, янгилиниш ва яшарини фасли" деб номланган байрам дастурини қизқарли олиб бордилар.

Байрам дастурида "Миллий таомлар" танлови ўтказилиб, унда ШАТТ ва ШПТ цехлари совринли ўринларини эгалладилар. Бундан ташқари, "Бахру байт" беллашувида А.Қазоков, Р.Тешаева ва З.Қўчқоровалар ўзлари битган "Наврўз", "Аёл" ва бошқа мавзудаги шеърлари билан беллашдилар. Айниқса, "Арқон тортиш", "Қим олади шугинани" ўйинлари барчага завқу шавқ бағишладилар. А.АТС, "07" ходимлари "Келин салом"лари орқали иштирокчиларга дил сўзлари намоян этилди.

Вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаб аюқмаси қўмитаси раиси М.Норқулова байрам иштирокчи ва голибларига эсдалик совғаларини улашди.

Ўз муҳбиримиз

ТАТУДа Наврўз

Тошкент ахборот технологиялари университетида ҳам муқаддас байрамимиз бўлиши Наврўз мубоисиб кутиб олинди. Жорий йилнинг 25 март куни катта қозонда сумалак пиширилиб, тарқатилди. Шу куни факултетлар ўртасида "Миллий кадриятларимиз — ҳаётга" шiori остида талаба-ёшлар сайли ўтказилди. Сайлда миллий кадриятларимиз ва анъаналаримизни акс эттирувчи миллий либослар, таомлар, каштачилик, зардўзчилик намуналари намойиш этилди. Университет бадий ҳаваскорлик тўғраги аъзоларининг чиқишлари эса талабаларга ўзгача баҳорий кайфият бахш этди.

Кўрғазмали чиқиш ва намойишлар алоҳида тузилган комиссия томонидан баҳоланиб, фахрли ўринлар берилди. Жумладан, 1-ўринга касбий таълим факултети, 2-ўринга телекоммуникация ҳамда радио, радиоалоқа ва телерадиоинженеринг факультети, 3-ўринга эса ахборот технологиялари, телевизион технологиялар ҳамда иктисод ва бошқарув факултети сазовор бўлди.

АКТни билмасанг...

Билим масканларида суҳбатлар

Оптирик туманидаги қишлоқ хўжалиги, Риштон туманидаги саноат, Кува туманидаги иктисодиёт, тиббиёт ҳамда компютер технологиялари, алоқа транспорт, Марғилон шаҳридаги енгил саноат ва педагогика, политехника касб-хунар коллежларида очик мулоқот тарзида давра суҳбатлари бўлиб ўтди.

Ўтказилган ушбу анжуманларда Фарғона вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Шухрат Ганиев, вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари раҳбарлари, ташкилот раҳбарлари, тадбиркор ва фермерлар иштирок этдилар.


Очик мулоқотларда 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг ижроси, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаш борасидаги вазифалари муҳокама этилди.

Коллежлар битирувчиларининг биринчи вакиллари ўз билим даргоҳларида таълим олиб, касб-хунар ўрганишлари учун доимий ғамхўрлик қилиб, барча шароитларни яратиб бе-

раётган Юртбонимизга самимий миннатдорлик изҳор этдилар.

— Мен ўзим учун энг замонавий йўналишни танлаганман, — деди Кува тумани компютер технологиялари касб-хунар коллежнинг ўқувчиси Пахлавон Йўлдошев. — Бу ерда

яратилган шароит ва қулайликларни кўриб севинаяман. Кенг ва ёруғ хоналар, компютер жамланмалари, ахборот технологиялари ускуналари билан жиҳозланган лаборатория, дарслик, қўлланма ва турли адабиётлар билан таъминланган ахборот-ресурс маркази, ошхона, ётоқхона ва спорт заллари, мажлислар зали бизнинг ихтиёримизда. Фақат ва фақат ўқиш, билим ва



касбни чуқур эгаллаш, сеvimли Ватанимизга садоқат билан хизмат қилишга шайлиниш, замондан ортада қолмаслик учун яратилган шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланиш керак. Мен келгусида ахборот технологиялари соҳасида эгаллаган билимларимни эл-юрт, жағият учун сарфлашга аҳд қилганман.

Мухаммаджон МАҲМУДОВ

Фуқаро муҳофазасини таъминлаш йўлида

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан республикамизда жорий этилган самарали бошқарув тизими янада такомиллашиб, хозирги кўринишга келди. Мамлакатимиз бошқарув тизими дунё миқёсида ҳам тан олинди. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳам ана шундай давлат тизимларидан ҳисобланади.

Мамлакатимиз аҳолиси ва ҳудудларини фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш республикамиз миллий хавфсизлигининг таркибий қисми бўлиб, ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти тараққиётининг муҳим шартидир.

Дунё тажрибасининг кўрсатишича, хавфли табиий ва техноген таҳдидлар юзага келмасдан олдин профилактик ишларни олиб бориш, хавфнинг олдини олиш ва салбий таъсирларини камайтириш тадбирларини ўтказиш фавқулодда вазиятлар оқибатларини бар-

тараф этишдан кўра анча тежамли ва самаралидир.

Бу борада Наманган вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси томонидан ҳам катор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан, Мингбулок туманида "Бошқарув органлари ФВДТ ҳудудий ва қуйи тизимларининг табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш бўйича ҳаракатлари" мавзусида кўмондонлик-штаб ўқув машқи бўлиб ўтди.

Ўқув машқи уч кун давом этиб, туман аҳолисини фавқулодда вазиятларга тайёрлаш бўйича амалий тадбирлар ўтказилди.

Кўмондонлик-штаб ўқув машқида тайёргарлик даврида "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Наманган филиали Мингбулок тумани почта алоқаси тармоғида "Табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш ҳаракат режа"лари ўрганиб чиқилди ва амалий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, бошқарув органларининг ҳамда туман ФВДТ ҳудудий қуйи тизимлари хизматларининг фавқулодда вазиятларни олдини олиш, уларнинг оқибатларини бартараф этишда ҳамкорликда ҳаракат қилиш тажрибаларини ошириш ва мувофиқлаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилиб, фуқаро муҳофазаси тузилмалари фавқулодда вазиятлар содир бўлганда тўғри ҳаракат қилишга ўргатилди.

Шунингдек, тармоқда "Техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар содир бўлганда объект ходимлари ва туман ФВДТ хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракати" мавзусида тактик-маҳсус ўқув машқи ўтказилди. Мингбулок почта алоқаси тармоғи Фуқаро муҳофазаси тузилмалари шахсий таркиби "Йигин" хабар ёллон қилиниши билан белгиланган жойга ўз вақтида етиб келишгани, шахсий таркибнинг маҳсус кийим-кечакда, техника воситаларининг шай ва соз ҳолатида эканлиги, хабар бериш тизими яхши йўлга қўйил-

ганлиги аниқланди.

Ўқув машқи мобайнида аҳоли ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тадбирларини олиб боришда бошқарув органларининг тайёргарлиги такомиллаштирилди. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, улар содир бўлганда ҳаракат қилиш режаларининг тўғрилиги ҳамда ФВДТ ҳудудий қуйи тизими куч ва воситаларининг амалда тайёрлиги текширилиб, ҳамкорликдаги ҳаракатлар мувофиқлаштирилди.

Хулоса қилиб айтганда, Наманган филиали Мингбулок почта алоқаси тармоғи ходимлари авария-қутқарув ва бошқа кечиктириб бўлмайдиган ишларни олиб боришда кўникмалар ҳосил қилдилар, зарурий меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш борасида ўз тажрибаларини оширдилар.

Ш.ИБРОҲИМОВ,
"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ
Наманган филиали ФМ бўлини маси бошлиғи

Кувноқлар ва зукколар


"Ўзбектелеком" АКнинг Бухоро филиали бошланғич касаб ва уюшмаси кўмитаси томонидан маданий-маърифий тадбирларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Филиал йигит-қизлари иштирокида яқинда ташкиллаштирилган "Кувноқлар ва зукколар" баҳси бунга аниқ мисол бўла олади.

Филиалнинг бир қатор бўлимларида фаолият кўрсатаётган ёшлардан катта бир гуруҳи "Connected", "NT янги технологиялари" ҳамда "Ўзонлайн" жамоаларига бирлашган ҳолда ўз касб маҳоратлари, алоқа соҳаси ўқув муассасаларида олган билимларини яна бир марта синовдан ўтказдилар. Дастлаб ҳар бир жамоа танловнинг биринчи шarti бўйича, яъни танлаган дизайн ва либослари билан тадбирда тўлганган кишиларни таништириб чиқди. Айнан шундай чиқишлар давомида жамоалар номининг ўзига хос мазмун-моҳияти акс эттирилди. 15 дақиқа давом этган эркин мавзу асосида эса иштирокчилар алоқа соҳасига оид саҳна кўринишларини моҳирона намойиш эта олдилар. Жумладан, миқозлар билан муомала маданияти бу чиқишларда ўз мужассамини топди. Жамоа сардорларининг ўзига хос беллашувлари анча қизиқарли ва баҳсларга бой бўлганини ҳам шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоиз. Топкирлик, хозиржавоблик, юқори билим ва маҳорат бу борада устуворлик касб этгани аниқ кўзга ташланиб турди.

Телекоммуникация хизматларини миқозларга тақдим этиш бўйича танлов шартлари эса реклама кўринишларида томошабинлар кўз ўнгига намоён бўлди. Атиги 20 сония ичда топшиқни топниш шартларини удалаган жамоалар нафақат ўз соҳалари, балки адабиёт ва театр санъатидан ҳам яхшигина хабардор эканликларини амалда кўрсата олдилар. Замонавий технология, хусусан уяли алоқа афзалликлари — мобил алоқасининг устун жиҳатлари иштирокчилар чиқишлари орқали аниқ талқин этилди. Интернет, савол-жавоб, баҳс-мунозараларга бой бўлган "Кувноқлар ва зукколар" танлови якунида ҳакамлар қарорига мувофиқ фахрли биринчи ўрин тадбир давомида энг юқори балл тўплаган "NT янги технологиялари" жамоасига берилди. Ушбу жамоанинг Шерзод Файзуллаев, Шукур Сулаймонов, Зарифа Нормуродова, Нодира Ҳакимова, Акмал Умаровлардан иборат аъзолари шу тарақа пухта билим ва мустаҳкам амалий кўникмага эга эканликларини исбот этдилар. 2 ва 3-ўринларга эса "Ўзонлайн" ҳамда "Connected" жамоалари муносиб деб топилди.

Танлов ғолиблари филиал маъмурияти ва касаб ва уюшмаси кўмитасининг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Н.АСҚАРОВ



FOTOXABAR

Фаргона шаҳрида бизнесга кўмаклашиш маркази иш бошлади.

Тадбиркорлик субъектларининг зарур хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва турли руҳсатномалар олиш жараёнларини соддалаштириш ушбу соҳани ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратишда муҳим омил бўлаётир. Хусусан, амалиёт "ягона ойна" тамойили хизматлар кўрсатишнинг самарали шаклларида бири эканлиги кўрсатмоқда.

Суратда: 10-марказ ходимаси Насиба ҚУРБОНОВА.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги "Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

"BAQTRIYA MENRIGIYO FARM" хусусий корхонасининг (Термиз ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003813 рақамли;

"POLAR BEAR TELEKOM" хусусий корхонасининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш

бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003097 рақамли;

"АВТОЗАПЧАСТЬ ЭКСПРЕСС" масъулияти чекланган жамиятнинг (Андижон ш.) ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқисиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0002542 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2012 йил 28 мартдан тугатилди.

Ахборот фаолияти ва маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идораларо мувофиқлаштириш комиссиясининг қарорига асосан "ДИЙДАР-МЕДИА" масъулияти чекланган жамиятнинг (Нукус ш.) теледастурлар тарқатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003367 рақамли лицензиянинг амал қилиши тикланди.

Табриклаймиз!

"Ўзбектелеком" АК Фаргона филиали жамоаси ўзларининг 55-баҳорини қарши олган Олтириқ телекоммуникациялар боғламаси ходими Пардагул ДАВЛЕТОВА, филиал ходими Озодаҳон ИМИНЖОНОВА ва Татьяна ШАПАВАЛОВАларни ҳамда 50 ёшини қарши олган Людмила ДРУЖИНИНАни чин юракдан табриклайди. Уларга энг эзгу тилакларини нахор этади.

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали жамоаси Нишон телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Махмуд БОЙМУРОВ ҳамда Ғузур телекоммуникациялар боғламаси назоратчиси Рўзиқул ТУРСУНОВларни 55 ёшлари билан табриклаб, уларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий фаровонлик тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиали Охангарон почта алоқаси тармоғи жамоаси Охангарон-3 алоқа бўлими бошлиғи Хайтуви ҲАЛОВани тугилган кунини муносабати билан табриклайди. Унга сihat-саломатлик, узок умр тилайди.

"Ўзбектелеком" АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали Беруний туман телекоммуникациялар боғламаси жамоаси ЛАЦ муҳандиси Махсатбай КАЗАКОВни 50 ёши билан табриклайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, узок умр тилайди.

Қадриятларимизга сайқал беради

Мехмон — азиз инсон, унга иззат-икром, эҳтиром, илтифот кўрсатиш беҳад улғун иш эканлиги болалигимиздан қон-қонимизга сингиб кетган. Шундай эзгу анъаналар асосида улғаямиз. Мен мехмон қанчалар эътиборга сазовор зот эканлигини илк марта Марғилон педагогика техникумида таҳсил олаётган опаларимнинг ўқитувчилари уйимизга ташириб буюришганда ҳис этганман. Техникумда опаларимдан ташқари яна беш-олти нафар қиз ўқирди. Директор ва муаллималар қишлоқимизга келаятганларини эшитиб бир кун олдин роса тайёргарлик кўрдик.

Улар келиши. Уйимиз мисоли тўйхонага айланди. Дастурхонни ёғли патирилар, жиззали нонлардан сўнг қанд-қурс, писта-бодом, хил-хил пишириллар, анвойи мева-чевалар билан ясалган, опаларим шошилди ошга уннашди.

— Ошни ўчоқда қиламиз, — дедилар онажоним. — Ўчоқнинг оши бошқача ширин бўлади.

Мен, айниқса, ниҳоятда жиддий тортиган, юзлари лов-лов ёнаётган опаларимга хайрон боқардим. Улар бунчалар ўзгаришмаса! Бир гапириб ўн куладиган Ханифа опам ҳам Мадина опамга ўхшаб вазим, камгап бўлиб қолган эди. Дадажоним ҳам, онажоним ҳам хар кунгидан ҳам очикқўнғилроқ ва серилтифотроқ бўлиб, лабларидан табассум аримасди. Ошхона ичда уларга кўринмай турсамда улкан ўрик дарахти остидаги сўрида ўтирганлар суҳбати аён эшитиларди. Устозлиги шоғирдик ҳикматларидан сўзлашар, уларнинг сермаъно лутфларини қуловимга қўйиб олишга интилардим.

Опаларимнинг хатти-харакатларини ҳам кўз олдимдан қочирмасдим. Улар қаттиқ хаяжонда "Бизнинг қўлимизмас, Фотима онажонимизнинг қўллари" дея ош пишираётганлари кечагидай кўз ўнгимда.

— Таба, мунча кўрқасизлар, — дегандим мен энсам қотиб. — Ё ўқитувчиларингиз ошларингизга ҳам баҳо қўйишадими? — Э, сен хали жуда кичкинасан, бу нарсаларга ақлинг етмайди! Ундан кўра бор, шакороба помидор, болгар қалампир териб чик!

Онамдан сўхлик бир пахлавоннинг айик билан курашиб, уни қай тарзда енгани тўғрисида эшитганимда ёш бола эдим. Одамзотнинг шундай баҳайбат махлук билан беллашиши-ю голиб чиқишини ақлга сиғдиришмасдим. Онамнинг айтишича, сўхлик полвон бир таёқни махлукнинг йўғон белидан ўтказиб, икки четидан ушлаган ҳолда беллашган ва ёввойини йиқитган экан.

— Бунақаси эртақларда бўлади, — дегандим ишонқирамай.

— Ҳақиқатда ҳам бўлади, — қулим-сироганди онажоним.

Орадан йиллар ўтиб, Сўх туманининг Сари Бароз бозорига болалигимда онамдан эшитган ўша ходиса қайта юз берди.

Ҳа, айик билан одамнинг фаройиб кураши такрорланди.

Халқ ўйинлари давом этипти. Барчанинг эътибори устунга боғланган хайбатли айикда. Унинг эгаси:

— Бир ярим йилдан бери боқяпман, яхши тарбия олгани сабабли жуда эзлишули, курашдаям анча тажриба ортирган, ораларингдан пахлавоним билан курашадиган мард топиладими?! — дея қичқирарди ҳаммага.

Томошабинларнинг бир-бирларига хайрон боқишларидан айик билан ким беллашарди, деган маъно билиниб турар, майдонга чиқадиغان доворакдан дарак йўқ эди.

— Туришини қаранг, — деди кимдир ҳамроҳига, — кўзларига тикилишгаям юрак дов бермайди!

Ва ниҳоят, ош пишди. Онажоним ошни сузариб "Худого шукр. Таъми оғизда қолдиган бўлибди", дегач, опаларим енгил тин олдилар.

Чиндан ҳам ўша ошнинг мазаси тилимдан кетмади. "Хуш кўрдик", "Келганларингиз учун раҳмат" дея хушхол кузатганларимиз бутун таровати, икки-чикирлари билан ёдимда қолган.

"Xabar" газетасида Алоқа ходимлари касабаси марказий кенгаши соҳамизнинг корхона ва ташкилотларида хизмат қилиб келаятган ходимлар ўртасида "Ош фестивали"ни ўтказиш ташаббуси билан чиққанда ҳаёлимдан юқоридагилар бир-бир ўтди. Дарҳақиқат, жуда ўринли таклиф. Мехмоннавозлик, нозиктаблик, соғлом овқатланиш, покизалик, умуман, пазандалик фазилатларини шакллантиришда шундай фестиваллар, ошпазлик мусобақаларининг аҳамияти бекиёсдир.

Бундай тадбирлар турмушга нафосат назари билан қарашга ўргатиб, таомланш одоблари билан боғлиқ қадриятларимизга сайқал беради. Ош фестиваллари ўтказибгина қолмай ошпазлар учун янги оммабоп қўлланмалар яратилса айни муддао бўларди. Фарғоналиклар орасида паловни юксак дид ва маҳорат билан тайёрлайдиган алоқа ходимлари қўллаб топилади.

Ҳафиза САЛҲОВА,

"Xabar"нинг

Фарғона вилоятидаги мухбири



"Ош фестивали" голиблари

Ошни тайёрлашда қорамол ёки қўй гўштидан, думба ёғи, қазидан фойдаланиш афзалликлари ҳамда ушбу жараёнларнинг фойдали жиҳатлари билан ўртоқлашди. Шифобахш зирavorлар, хусусан, ўсимлик ёғи, думба ёғи омухта ёнда пишириладиган палов бирмунча хуштаъмлиги билан бошқа таомлардан фарқ қилишини амалда кўрсата олдилар. Ҳакамлар хайъати ҳужмига ҳавола этилган аччиқ-мучук салатлар ҳам талбирга тўпланган кишиларда алоҳида кизиқиш уйғотди.

Фестивал якунида унинг голиблари аниқланди. Гурўчнинг "Аланга" навини мохирлик билан ишлатган ҳолда Когон тумани телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Музаффар Жумаев томонидан тайёрланган чойхона паловга фахрлий бичиричи ўрин берилди. Голибликка эришиш ўз-ўзидан бўлгани йўқ, албатта. Мазкур ошни тайёрлаб, дастурхонга тортишда уста ошпаз ўзининг бутун маҳоратини ишга солди. Таомни пиширишда тегишли миқдордаги ёғнинг 40 фоизига омухта ёғ, 60 фоизига эса ҳисори қўйнинг думба ёғидан ўринли ва самарали фойдаланилганлиги, оловнинг бир маромда ёниб тургани муҳим аҳамият касб этди.

Палов тайёрлаш бахслари натижаларига биноан иккинчи ўринга "Матбуот тарқатувчи" шўъба корхонаси Жондор тумани филиали хайдовчиси Бўстон Рустамов муносиб деб топилди. Учинчи

ўридан эса бир йўла икки нафар иштирокчи — "Телекоммуникация Транспорт Тармоғи" филиали 5-боғламаси кабел пайвандловчиси Икром Усмонов ҳамда "Матбуот тарқатувчи" ШК Шофиркон тумани филиали бошлиғи Лазиз Қиличевлар жой олдилар.

"Ош фестивали" иштирокчилари ҳузурда сўзга чиққан вилоят касабаси уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Бибиражаб Муҳаммадова, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Фахриддин Аллаев, вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабаси уюшмаси кўмитаси раиси Олия Шукурлаева ва бошқалар Мустаҳкам оила йили Давлат ва ҳудудий дастурлари доирасида бир қатор мазмуни тadbирларни ўтказиш режалаштирилганлигини, ёш авлодни келажакимизга муносиб кишилар қилиб тарбиялаш ва уларнинг тўғри касб танлашларида бу дастурлар ижроси муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар. Миллий анъана ва қадриятларимизни янада мустаҳкамлашда "Ош фестивали" сингари тадбирларнинг, ҳеч шубҳасиз, ўз ўрни бор.

Энг яхши ошпазларнинг ўзига ҳос беллашуви голибларига ЎзААА вилоят ҳудудий бошқармаси ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабаси уюшмаси кўмитасининг фахрий ёрликлари ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди.

Аскар ИСТАМОВ,
"Xabar"нинг Бухоро
вилоятидаги мухбири

Фаройиб беллашув

— Нахотки, бу ерда бирор шерюрак йўқ? — дея махлукнинг эгаси мағрур қулимсирар, йирилганлар орасидан унга рақиб кидирар эди.

Шу тоғда: — Хурсанд, ўзингни кўрсат, — деган садо эшитилди. Ёнимизда турган Хурсандга юзландик. У гоҳ салобат тўқиб турган хайбатли ёввойига, гоҳ унинг мақтанчоқ эгасига иккиланиб қараб турарди.

— Хурсанд!
Ва ниҳоят, менинг маҳалладошим — янгиариклик Хурсандбек Хайдаров журъат этиб майдонга чиқди. Ҳамма хаяжонда.

Йигит машхур спортчи, бири пайлар фарғонача кураш бўйича нуфузли мусобақалар голиби бўлган марҳум Зайниддин Низомовнинг шоғирди эди. Муносиб шоғирда, қолаверса, Хурсанд пахлавон деган номи бор. Лекин бу "рақиб" — дахшатли махлук!

Одамлар ваҳимага тушишди: — Нима қилапти ўзи? Ақли жойидими?

Хурсанд эса тезгина таёқни айикнинг йўғон белидан ўтказди-ю, кураш бошланди! Махлукнинг эгаси ҳакамлик қилапти.

Ё худо, болалигимда эшитган афсонам! Йўқ, бу ҳақиқат эди. Ҳаммаси воқеликда юз бераяпти — икки пахлавон —

одам билан хайвон, кўп томошабинлар кўз ўнгиде беллашмоқда!

— Хурсанд, бўш келма! — нидолар эшитилапти хар томондан.

— Қани, ха!
— Ха, Хурсанд!

Шу пайт пахлавонлар ёнбош билан йиқилиб тушишди-ю, Хурсанд эпчиллик билан айикнинг устига чиқиб олди. Қий-чув, қийкирик, дод-фарёд авжиде. Биров Хурсандни рақибнинг устидан кўтарди. Айик ҳам бир алғозда ётган еридан турди.

— Голиб — Хурсанд!
— Офарин!

Айикнинг эгаси эса: — Бу ғалабамас, ёнбош, — дер эди саросимали ҳолда. — Курашни давом эттирамиз.

— Ие, бу қанақаси? Қанақа ёнбош? — рози бўлишмасди оломон.

— Тан беринг-да, тақсир, пахлавонингиз йиқилди!

— Ёнбоши билан йиқилди, — гапда туриб олган эди айикнинг эгаси. У "давом этамизми?" маъносиде Хурсандга юзланган эди, хар тарафдан:

— Йўқ, кифоя! — эътирозли овозлар эшитилди.

Лекин Хурсанднинг: — Давом этамиз, — дейишидан давра жимиб қолди. Беллашув давом этди.

Айик бағоят ғазабда эди. У одамзотга ташланар, кўзларидан ўт чакнар, ваҳимали овоз чиқарарди. Одамнинг ҳам анойимаслиги сезилиб турар, қандай бўлмасин, голиблик учун куч топшига ўринар эди. Хурсанд ва айик. Айик ва Хурсанд...

— Хурсанд!
— Хурсанд!

Бу гал олишув бир оз қўзилди. Айик эгаси қучлар баробар, дея курашни тўхтатмоқчи ҳам эдики, Хурсанд жон-жаҳди билан ҳужумга ўтиб хайвонни йиқитди! Енгил нафас тортидик. Ҳаммининг лабида табассум...

— Халол, — дея айик эгаси Хурсандни кучиб, табриклади.

...Ўша куни Хурсанд пахлавоннинг уйда тўй бўлди. Лекин унинг ўзи кўрпачушак қилиб олган эди.

— Ёввойи билан олишганимни эсласам, этим жимирлайди. Тирноқлари баданимни илма-тешик қилиб юборди. Ковурғаларим синмаганимкин?

Учинчи куни айикнинг эгаси пахлавонимиздан ҳабар олгани келди.

Қимирлашга мажолли йўқ бемор қандай сапчиб турганини билмай қолди:

— Айингизиямни опкелмадингизми, ишқилиб?

Мухаммад ШОДИЙ

Реклама

"SHAD SAVDO ZAMIN" МЧЖ

мулкнинг бошланғич баҳоси қадам бақадам ошиш тартибида ўтказиладиган "Очиқ аукцион" савдоларига таклиф этади

1. Аукцион савдоларига Бухоро вилоят Давлат мулкни бошқариш бошқармасининг 2012 йил 26 мартдаги 2а-сонли буйруғи ҳамда Қорақўл туман ҳокимининг 2012 йил 14 январдаги 21-сонли қарорига асосан яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдирилган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича Қорақўл туман Чекирчи МФЙ худудидан ҳар бири 400 кв.м.дан иборат 5 (бош режа бўйича 2, 4, 6, 21, 22-сонли)та ер участкаси. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси 160800 сўмдан.

Аукцион савдоси 2012 йил 30 апрел куни соат 11.00да Қорақўл туман ҳокимлиги биносида бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш 2012 йил 28 апрел куни соат 18.00да тўхтатилади. Мазкур ер участкалари 2012 йил 30 апрел куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдолари орқали сотилмаган тақдирда ер майдонларининг такрорий аукцион савдолари 2012 йилнинг 7, 14, 21, 28 май кунлари соат 11.00да Қорақўл туман ҳокимлиги биносида бўлиб ўтишини олдидан маълум қиламиз. Такрорий савдолар бўйича буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги мuddати савдо кунидан бир кун олдин (яқшанбадан ташқари) тўхтатилади.

2. Аукцион савдоларига Бухоро вилоят Давлат мулкни бошқариш бошқармасининг 2012 йил 26 мартдаги 2а-сонли буйруғи, Жондор туман ҳокимининг 2011 йил 19 февралдаги 94-сонли ва 2012 йил 2 мартдаги 491-сонли қарорларига асосан яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкаларига мерос қилиб қолдирилган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича қуйидаги манзиллардан қўйилмоқда:

а) Жондор туман Азели ҚФЙ Работ қишлоғи худудидан ҳар бири 400 кв.м.дан иборат 10та ер участкаси. Ҳар бир ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 497 600 сўмдан.

б) Жондор туман Самончиқ ҚФЙ Самончиқ қишлоғи худудидан 400 кв.м.дан иборат 1та ер участкаси. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич баҳоси — 372 200 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 30 апрел куни соат 16.00да Жондор туман ҳокимлиги биносида бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш 2012 йил 28 апрел куни соат 18.00да тўхтатилади. Мазкур ер участкалари 2012 йил 30 апрел куни ўтказиладиган очиқ аукцион савдолари орқали сотилмаган тақдирда ер майдонларининг такро-

рий аукцион савдолари 2012 йилнинг 7, 14, 21, 28 май кунлари соат 16.00да Жондор туман ҳокимлиги биносида бўлиб ўтишини олдидан маълум қиламиз. Такрорий савдолар бўйича буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги мuddати савдо кунидан бир кун олдин (яқшанбадан ташқари) соат 18.00да тўхтатилади.

Талабгорлар диққатига!

Савдога қўйилган ер участкалари билан туман ҳокимликлари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосига қатнашиш учун буюртманома, закатлат келишуви, закатлат пули тўлаганлик тўғрисидаги ҳужжат нусхаси, юридик шахсларнинг гувоҳнома ва таъсис ҳужжатлари нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, вакил иштирок этганда ишончнома (нотариал тасдиқланган ишончнома жисмоний шахслар учун) тақдим этилади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш мазкур хабарнома эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунлари соат 9.00дан 18.00гача савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда қабул қилинади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закатлат келишувга асосан ер участкасига бўлган ҳуқуқларни бошланғич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закатлат пулини "Савдо ташкилотчиси" "SHAD SAVDO ZAMIN" масъулияти чекланган жамиятининг Бухоро шаҳар "Ипотека банк" Сардор филиалидаги МФО: 00119, СТИР: 302097424, 20208000504935078001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб 20 (ийгирма) кун мuddат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закатлат миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоиздан кам бўлиб қолган тақдирда, етишмаётган миқдорини шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг аукцион савдолари ташкил этилиши ва ўтказилиши жараёнида юзага келиши мумкин бўлган қонубузилиши ҳолатларига доир масалалар юзасидан туман ҳокимликларига ёзма ва телефон орқали, Давлат мулкни бошқариш Бухоро вилоят худудий бошқармасига (8365) 223-09-00, 223-99-03 телефон рақамига ҳамда Давлат мулкни кўмитасининг (8371) 259-21-37 "Ишонч телефон" ларига мурожаат қилиниши мумкин.

Буюртманомалар қабул қилинадиган ва қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишнингиз мумкин:
"SHAD SAVDO ZAMIN" МЧЖ манзили: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Телефон: 8 (365) 223-69-62.
Лицензия RR-0048

Хизматлар лицензияланган.

ЭСЛАТМА

"Xabar" газетасининг 2012 йил 22 мартдаги 12 (1018)-сонига (15-саҳифаси) берилган хабарнома бўйича танлов объекти, яъни:

1. Ромитан тумани Челоғу қишлоқ фуқаролар йиғини Чандир маҳалла фуқаролар йиғини худудида жойлашган умумий ер майдони 3000,0 кв. метрдан иборат бўлган 1та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи, деган жумласи:

1. Қишлоқ хўжалиги техникалари ва автомобилларга сиқилган (метан) газ қуйиш шохобчаси қуриш учун Ромитан тумани Челоғу қишлоқ фуқаролар йиғини Чандир маҳалла фуқаролар йиғини худудида жойлашган умумий ер майдони 3000,0 кв. метрдан иборат бўлган 1та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи, деб ўқилсин.

Изоҳ: Бухоро вилояти Ромитан тумани ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати бўлимининг 2012 йил 25 мартдаги 41-сонли хати.

"BEST GLOBE REALTOR" МЧЖ

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ"

ЧЕМПИОНЛИКНИ КЎЗЛАМОҚДА

Наманганда волейбол бўйича эркаклар ўртасида Ўзбекистон чемпионатининг учинчи тур ўйинларида олий лигада ўйнаётган олти жамоа ўзаро баҳсланди.

Чемпионликка асосий даъвогар — Самарқанднинг "Ўзбектелеком" жамоаси учинчи турнинг барча учрашувини ўз фойдасига ҳал қилди. Самарқандлик волейболчилар "УрДУ" (Урганч), "Молячи" (Тошкент), "ОТМК" (Олмалик), "Динамо-Парвоз" (Наманган) ва "Южанин" (Навоий) жамоаларини бир хил — 3:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, пешқадамлик мавқени мустаҳкамлаб олди.

ОЛИМПИАЧИЛАРИМИЗНИНГ МУҲИМ ҒАЛАБАСИ

Лондон шаҳрида бўладиган XXX ёзги Олимпия ўйинларига чиқиш учун курашни давом эттираётган футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Сурия футболчиларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Вьетнамнинг Ханой шаҳрида ўтаётган турнирда 14-дақиқада ўз дарвозаларидан тўп ўтказиб юрган вакилларимиз иккинчи бўлимда Кенжа Тўраев ва Олег Зотеевларнинг голлари ҳисобига муҳим ғалабага эришди.

ЛУИЗА — КУМУШ МЕДАЛ СОҲИБАСИ

Германияда спорт гимнастикаси бўйича ўтказилган жаҳон кубоги босқичида ўзбекистонлик Луиза Галиуллина кумуш медални қўлга киритди.

Коттбус шаҳри мезбонлик қилган нуфузли мусобакада истеъдодли гимнастикачимиз эркин машқ бажариш бўйича 13,75 балл тўплаб, шохсупанин иккинчи поноасидан жой олди.

КЕСКИН ВА МУРОСАСИЗ БАҲСЛАР

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида ўзбек жанг санъати бўйича ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасидаги мамлакат чемпионати якунланди.

Уч кун давом этган мусобақанинг катталар ўртасидаги баҳсларида ўзбек жанг санъати бўйича мамлакат терма жамоасига аъзо тажрибали спортчилар билан бирга ёш иктидор эгалари ҳам ғолиблик учун куч синишти. Тошкент вилояти вакили А.Абдуллажонов, самарқандлик Р.Ориқулов, А.Туркманов, Ж.Юсупов, андижонлик Х.Салимжонов, хоразмлик М.Олимов, пойтахтлик Г.Ашурова, Н.Хайруллаева, Тошкент вилоятидан С.Нишонов, сирдарёлик С.Рўзимуродова, самарқандлик С.Нормуродова сингари спортчилар ғолиб ва совриндорлар каторидан жой олди.

ЕВРОПАЧА "МЕҲМОНДЎСТАЛИК"

Европа чемпионлар лигаси чорак финал босқичининг илк учрашувлари ўтказилди.

- "АПОЭЛ" (Кипр) — "Реал" (Испания) — 0:3
- "Бенфика" (Португалия) — "Челси" (Англия) — 0:1
- "Марсел" (Франция) — "Бавария" (Германия) — 0:2
- "Милан" (Италия) — "Барселона" — 0:0
- Жавоб ўйинлари 3-4 апрел кунлари бўлиб ўтади.

Эълон

"SHAD SAVDO ZAMIN" МЧЖ томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 147-қарорига асосан Бухоро шаҳар ҳокимининг 2011 йил 27 сентябрдаги 1101-қарори билан Бухоро шаҳар Т.Фароғий кўчаси худудидан ҳар бири 65 кв.мдан иборат савдо ва маъшиий хизмат кўрсаткиш шохобчалари қуриш учун мўлжалланган ер участкалари бўйича 2012 йил 15 март куни бўлиб ўтган танлов савдолари натижалари тўғрисида маълумот:

т/р	Объект номи	Сотилган сума (сўм)
1	1-сонли ер участкаси	6 000 000
2	2-сонли ер участкаси	4 000 000
3	3-сонли ер участкаси	15 610 500
4	4-сонли ер участкаси	9 300 000
5	5-сонли ер участкаси	15 620 500
6	6-сонли ер участкаси	9 300 000
7	7-сонли ер участкаси	22 500 000
8	8-сонли ер участкаси	15 700 700
9	9-сонли ер участкаси	22 500 000
10	10-сонли ер участкаси	12 500 000
11	11-сонли ер участкаси	22 500 000
12	12-сонли ер участкаси	15 700 000
13	13-сонли ер участкаси	28 500 000
14	14-сонли ер участкаси	11 500 000
15	15-сонли ер участкаси	28 500 000
16	16-сонли ер участкаси	9 000 000
17	17-сонли ер участкаси	23 500 000
18	18-сонли ер участкаси	4 000 000

"SHAD SAVDO ZAMIN" МЧЖ

Ўшанда чамаси 5-6 ёшларда эди. Отаси Кенжа ака ва онаси Рўёб опа билан поездда Тошкент шаҳрига айланишга келишди. Шу пайтгача поездни китобларда, газеталарда кўриб қизиққанидан расмларини чизиб юрган болакайнинг мурғак кўнглида келажақда темирйўлчи бўлиш орзуси уйғонди. Йиллар ўтиши билан бу орзу қатъий истакка айланди ва қаҳрамонимиз орзусини амалга ошириш учун мактабда кунт билан ўқиди. Айниқса, табиий фанларни чуқур ва пухта ўзлаштириб, устозларининг эътирофига сазовор бўлди.

Ушалган орзулар

Кўпчиликка маълум, одатда, мактабда ўқитувчилар билимли ва тиришқоқ болаларни кўрганда гўёки ёмби топгандай суюнишади ва ўзига яқин олиб, шогирд сифатида ардоқлашади. Баҳодир ака барча фанлардан аълочи бўлгани учун устоз муаллимларининг барчаси ўзининг шогирди деб ҳисоблашар, ҳар бири бу изланувчан боланинг ўз соҳаси бўйича мутахассис бўлишини исташарди.

Баҳодир акада болалик орзуси ва қизиқиши устун келиб Тошкент темир йўл муҳандислари институтига ҳужжат топширди ва имтиҳонлардан муваффақиятли ўтиб, талабалар сафидан жой олди. Буни қарангки, билим ва изланувчанлик бу ерда ҳам ўзини кўрсатди: сабоқдошлари таъбири билан айтганда, домлаларнинг эркатой шогирдига айланди.

1989 йили институтни муваффақиятли тугатган Баҳодир ака устозлари тавсияси ва институт маъмуриятининг йўлланмаси билан Россия темир йўлларига қарашли Аткарск вагон депосида бригадир бўлиб фаолиятини бошлади. Бу ерда депо бошлигининг ўринбосари лавозимигача бўлган турли вазифаларда ишлаб, жамоасининг эътиборини қозонди.

Иши, фаолияти рисоладагидек кетаётган бўлса ҳам, Баҳодир акани киндик қони тўкилган юрт соғинчи асло тинч қўймасди. Кўнгил ҳаловатига эришмасдан, ўзини-ўзи қийнаб юришни ортиқча деб билди ва мамлакатимиз мустақилликка эришгач, жонажон диёримизга қайтиб келди. Малакали ва катта тажрибага эга бўлган қаҳрамонимиз "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК тизимидаги Қарши темир йўл бўлимининг Қарши вагон депосида бригадир бўлиб фаолият кўрсата бошлади.

— Бу ерда дастлаб гилдирак цехи устаси, йиғув цехи катта устаси, кейинчалик депо бошлигининг таъмирлаш бўйича директор ўринбо-

сари лавозимларида ишладим, — дейди Баҳодир Эшмуродов самимийлик билан. — Шундан кейинги фаолиятим ҳам шу соҳа билан боғлиқ ҳолда кечди ва қаерда, қандай лавозимда ишламай, журналистлар ибораси билан айтганда, ўзим танлаган соҳани имкон даражасида ривожлантиришга ҳаракат қилдим. Инсон севган соҳасига чин дилдан меҳр қўйса, кун келиб ижобий самара беришини кўрдим ва минг бора шукроналик келтираман тақдиримга.

Дарҳақиқат, бу фикрларда жон бор. Айни пайтда "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК тизимидаги "Ўзтемирйўлмаштаъмир" унитар корхонасининг "Қуюв-механика заводи" шўъба корхонаси директори бўлиб ишлаётган Баҳодир ака эришган ютуқларида ота-онасининг хизматлари катта бўлганини фахр билан таъкидлайди.

— Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманида оддий оилада туғилганман, — дейди суҳбатдошимиз. — Оилада катта фарзанд бўлганим учун ота-онамининг мендан умидлари катта эди. Улар ана шу умидла-



рининг ҳаётда рўёбини кўриш учун менга барча шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилишди. Ўқитилди, оқ ювиб, оқ тараб эл қаторига қўшишди. Бу билан чегараланиб қолмасдан, ҳаётда керак бўладиган қимматли маслаҳатларни ҳам бериб боришдики, булар меннинг иш фаолиятимда жуда асқотди. Бунинг учун улардан миннатдорман. Қолаверса, домлам Шавкат Қосимов, устозларим Борис Цой, Фаррух Дадаходжаевлар берган касбий ва ҳаётий маслаҳатлари ҳам ўз ўрнини топишимда катта рол ўйнайди.

Маълумки, Президентимиз раҳнаомлигида мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодиётнинг қон томири бўлган темир йўл тизimini ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда эса ушбу соҳада фаолият юритаётган инсонларнинг меҳнати ҳам қадр топмоқда. Албатта, бундай эътибор ўзининг самарасини берапти. Бу борадаги ишларнинг нечоғлиқ кенг кўламлигини тасаввур қилиш учун иккита мисол келтирай. 2007 йилда "Аср қурилиши" деб ном олган Тошгузар — Бойсун — Кумқўрғон темир йўлининг қуриб фойдаланишга топширилиши, Ватанимиз мустақиллигининг 20 йилли-

ги арафасида Тошкент — Самарқанд йўналиши бўйича "Афросиёб" тезюрар поезда қатновининг йўлга қўйилиши мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеалар қаторидан ўрин олди.

— Бугунги шиддат билан ўзгараётган замонда одамларнинг талаби ҳам, таклифи ҳам шунга яраша бўлиб бормоқда, — дейди Баҳодир ака. — Мамлакатимизда тезюрар поездлари қатновининг йўлга қўйилаётгани бу борада жуда катта аҳамият касб этапти, деб ўйлайман. Кези келганда атай, Тошгузар — Бойсун — Кумқўрғон темир йўлининг, шунингдек, "Афросиёб", "Насаф", "Бухоро" тезюрар поездлари қатновини йўлга қўйиш бўйича темир йўл инфраструктура тузилмаларини тубдан таъмирлаш ишларига имкон даражасида темирйўлчи сифатида ҳисса қўшганимдан ва тантанали очилиш маросимларида иштирок этганимдан фахрланаман. Энди бевосита бугунги фаолиятимга келадиган бўлсак, ҳозирда барча соҳаларда бўлгани каби бизнинг соҳамизда ҳам замонавий ва сифатли маҳсулотларга талаб ошмоқда. Муҳтарам Президентимизнинг 2009 йил 16 мартдаги "2009-2013 йилларда темир йўл тармоғини ривожлантириш ва модернизациялаш комплекс дастури тўғрисида"ги қарори ижросидан келиб чиққан ҳолда "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналарда, шу жумладан, "Қуюв-механика заводи" шўъба корхонасида ҳам бу борада кенг кўламли ишлар қилинмоқда. Хусусан, жаҳон андозаларига мос технологиялар билан жиҳозланиб, хизмат кўрсатишининг янги турлари жорий этилмоқда.

Баҳодир ака жамоаси билан жорий йилда янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни режалаштирган. Бу эса мамлакатимиз темир йўл тармоғининг ривожига ва унинг порлоқ келажагига ҳисса қўшишига ишонамиз.

Ойгул РАЗЗОҚОВА,
журналист

Ўзбекистон темир йўллари тизimini ривожлантиришда замонавий ахборот технологиялари муҳим аҳамият касб этади.

<p>Xabar</p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ</p>		<p>ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Ҳаким МУҲИТДИНОВ (Ҳайъат раиси), Асадجان ХҲҲАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Суван НАҲБИДИНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Абдулгани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p> <p>Тахририятга келган кўлзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Реклама матнларининг тўғрилиги тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёлкор шоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Собит АҲАДОВ.</p>										
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>		<p>Газета ҳафтанинг жума кунини чиқарилади</p>		<p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>		<p>Г-352 сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қўғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 18289 нусха.</p>		<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>						
<p>Вилоят муҳбирлари:</p>		<p>Андижонда 226-47-80</p>	<p>Бухорода 223-27-85</p>	<p>Гулистонда 40-12-19</p>	<p>Жиззахда 226-06-34</p>	<p>Навоийда 225-91-10</p>	<p>Наманганда 232-97-86</p>	<p>Нукусда 554-35-45</p>	<p>Самарқанда 233-61-81</p>	<p>Термизда 224-06-12</p>	<p>Тошкентда 288-40-66</p>	<p>Урганчда 226-37-16</p>	<p>Фарғонада 224-91-56</p>	<p>Қаршида 314-08-99</p>